

Тошкент шаҳри — мустақил давлатимизнинг пойтахти, таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистонимизнинг юраги, Ўзбекистонимизнинг юзидир.

Ислом КАРИМОВ



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqq boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2012-yil 17-mart, shanba № 22 (8463)

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИ

Шу йил 16 март куни Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Сизларга яхши маълумки, кейинги вақтда Тошкент шаҳар ҳокимиятида раҳбарият янгиланди, янги раҳбар иш бошлади, ҳокимнинг биринчи муовини, бир қатор туманларнинг ҳокимлари ўзгарди, шаҳар кенгаши депутатлари таркибида ҳам ўзгаришлар бўлди, деди Президентимиз Ислом Каримов.

Албатта, бундай ўзгаришларни шиддат билан ривожлантаётган замоннинг ўзи, айна вақтда халқимизнинг ошиб бораётган талабларини, керак бўлса, эҳтиёжларини таъминлаш зарурати тақозо этмоқда.

Ана шундай ўзгаришлар таъсирини ким қаерда бўлмасин, қандай лавозим ёки вазифада ишламасин — ишчи ёки хизматчи бўладими, қурувчи ёки муҳан-

дис, тадбиркор ёки ўқитувчи бўладими — ҳар бир юрtdошимиз бугун ўз мисолида сезиши, англаши табиий. Чиндан ҳам, вақт, замон ўзгариши билан ҳаёт янги-янги талабларни илғари сурмоқда. Ана шу талабларга мос ҳолда, ҳар қайси одамнинг онгу тафаккури, ишга, ҳаётга муносабати ҳам ўзгариб бориши зарур. Акс ҳолда, унинг ўзи ҳам, у мансуб бўлган жамоа, охири оқибатда эса халқ ва мамлакат ҳам қоқликка юз тутиши, жаҳон тараққиётидан четда қолиши муқаррар.

Айниқса, замоннинг юриши, ўзгариши билан аввало раҳбарлар, етакчилар ўзгариши керак. Биз XXI аср — интеллектуал тараққиёт асри, деб кўп гапираримиз. Модомики, шундай экан, бугунги кунда раҳбар нафақат аниқ бир касб-ҳунарнинг эгаси, аввало ўзининг фаолияти ва инсонийлиги билан халқнинг ишончи муносиб бўлиши, юксак интеллектуал тафаккур соҳиби, узоқни кўра оладиган, доимо янгиликка интилиб, замон билан ҳамқа-

дам бўлиб яшайдиган, қатъиятли шахс бўлиши лозим.

Шу маънода, буюк Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг "Азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир одам минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишидан афзалдир" деган сўзлари менга худдики айнан бугунги кунимиз учун айтилгандек туюлади, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Тошкент шаҳри — мустақил давлатимизнинг пойтахти, таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистонимизнинг юраги, Ўзбекистонимизнинг юзидир. Барчамиз Тошкентнинг бошқалар учун доимо намуна бўлишини ис-таймиз ва бундай юксак мақсадни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйганмиз, деб ўз фикрини давом эттирди давлатимиз раҳбари.

Айни шунинг учун Тошкент шаҳрини бошқарадиган, унинг ўта мураккаб, ҳеч қайси ҳудуд билан қиёслаб бўлмайдиган ҳўжалигини тебратадиган, бу ерда яшайдиган миллион-миллион одамларнинг, катта

бўладими, кичик бўладими, эҳтиёжларини қондиришга масъул бўлган шахсга нисбатан талаб ҳам, албатта, бошқача бўлиши ўз-ўзидан равшан.

Айтиш жоизки, Тошкент мустақиллик йилларида мислсиз даражада ўзгариб, янгиланиб, олдин тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган марраларни эгаллаб бормоқда. Энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналар, гўзал бино ва иншоотлар, турар-жойлар, янги-янги олий ўқув юртлари, таълим ва шифо масканлари, магистраль кўча ва проспектлар, мухташам кўприклар, боғ ва хиёбонлар барпо этилмоқда. Тошкентнинг салоҳияти тобора ортиб, унинг чехраси, қиёфаси тубдан ўзгариб бормоқда.

Бир сўз билан айтганда, азим пойтахтимизнинг нафақат Ўзбекистон, балки бутун Шарқ минтақасидаги обод ва гўзал шаҳарга айланиб, ўзгаларнинг ҳавасини, халқимизнинг гурур-ифтихори ва севгисини уйғотиб, жадал ривожланиб

бораётгани барчамизни қувонтиради.

Бугунги кунда Тошкентимиз, айтиш мумкинки, ўзининг илму фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат соҳасидаги улкан имкониятлари, қолаверса, чиройи ва бетакрорлиги билан жаҳон жамоатчилиги эътиборини ўзига тортиб келаётганига, турли халқаро учрашув ва саммитлар, форум ва анжунанлар ўтказиладиган йирик марказга айланиб бораётганига ҳаммамиз гувоҳ бўлмоқдамиз. Хусусан, 2010 йили пойтахтимизда бўлиб ўтган Осий тараққиёт банки бошқарувчилар кенгашининг мажлиси, 2011 йилда тиббиёт соҳасининг долзарб масалалари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти иштирокида ўтказилган симпозиум ҳамда 2012 йил февраль ойида таълим ва тараққиёт мавзусига бағишланган нуфузли халқаро конференция бу фикрнинг яққол далилидир.

(Давоми 2-бетда.)

АКТИНГ ЯНА БИР ИМКОНИЯТИ

ЎҚИТУВЧИГА КЎМАККА ЧОҒЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази умумтаълим мактаблари учун электрон ўқув дастурлари, методик қўлланмалар яратиш, таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, бу борада педагогик жамоаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш йўналишидаги долзарб вазифаларни амалга ошириб келаётир. Ушбу марказ техник жиҳатдан юқори даражада жиҳозланган. Яқинда бу ерда Жанубий Корея Республикаси билан тузилган ҳамкорлик дастури доирасида янада кенгрок имкониятларни ўз ичига олган мультимедиа студияси ва сервер майдончаси ҳам фаолият кўрсата бошлади.

(Давоми 7-бетда.)



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Р.Ж.Усмоновни Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг қарорига мувофиқ:

Раҳмонбек Жаҳонгирович Усмонов Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2012 йил 16 март

ГАЗЕТАНИ
ВАРАҚЛАГАНДА:

АХИР БУГУН НАВРЎЗ, ДЎСТГИНАМ!

5-бет

ХАШАР — МЕҲР-ОҚИБАТ ВА САҲОВАТ ТАДБИРИ

10-бет

АЧЧИҚ ИЧИМЛИК — ШИРИН ЕГУЛИК

12-бет

СОҒЛОМ АЁЛ — СОҒЛОМ ЖАМИЯТ

15-бет

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Пойтахтимиз ахлининг фидокорона меҳнати билан ҳаётнинг турли соҳа ва тармоқларида кўлга киритилаётган ютуқ ва марралар мамлакатимизнинг умумий ривожланиш сураётларини оширишда муносиб ҳисса бўлиб қўшилаётганини ҳаммамиз яхши билемиз ва юксак қадрлаймиз. Бугунги кунда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг 14 фоиздан ортиғи, sanoat маҳсулоти ҳамда ўзлаштирилган жами инвестицияларнинг 20 фоизи айнан Тошкент шаҳрининг улushiга тўғри келаётгани унинг катта иқтисодий имкониятларга эга эканидан далolat беради, деди Исрол Каримов.

Сўнги уч йилда ялпи худудий маҳсулот ҳақми 1,4 баробар, sanoat маҳсулотлари ҳақми 1,4 баробардан зиёд, ўзлаштирилган инвестициялар ҳақми 1,5 баробар ўсгани шаҳар иқтисодиёти барқарор сураётлари билан ривожланиб бораётганини кўрсатади.

Тошкент шаҳри доимо ўзининг улкан ишлаб чиқариш салоҳияти, юксак малакали муҳандис-техник ходимлари, олим ва мутахассислари, ички ва ташқи бозоримизда харидоригр маҳсулотлари билан наинки мамлакатимиз, балки бутун минтақа иқтисодиётида етакчи ўрин тутиб келади. Кейинги йилларда иқтисодиётимизни модернизация ва диверсификация қилиш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишлохотлар тўғрисида Тошкентнинг бу борадаги имкониятлари тобора ортиб бормоқда. Ҳозирги кунда бу ердаги корхоналарда уч мингдан зиёд турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилаётгани бу фикрни тасдиқлайди.

Биргина маҳаллийлаштириш дастури доирасида шаҳардаги корхоналар томонидан 100 га яқин янги маҳсулот турлари ўзлаштирилди ва 4 триллион 300 миллиард сўмдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди. 2011 йилда ишлаб чиқариш ҳақми ва маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар экспорти 2009 йилга нисбатан 1,4 баробар ўсганини қайд этиш жоиз.

Ўтган уч йил давомида Тошкент шаҳрида 1 миллиард 500 миллион доллардан ортиқ тўғридан-тўғри хоржий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди, 35та инвестиция лойиҳаси бўйича ишлар якунига етказилди.

Тошкент кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳам йирик марказига айланиб бормоқда. Бу соҳанинг ялпи худудий маҳсулотдаги улushi 2010 йилдаги 49,9 фоиздан 2011 йилда 53,1 фоизга етгани алоҳида диққатга сазовор. Энг муҳими, аини шу соҳа ривожини ҳисобидан қарийб 60 мингта янги иш ўрни яратилди. Бу эса жами янги иш ўринларининг 72,8 фоизини ташкил этади.

Тошкент шаҳар иқтисодиётида муҳим роль ўйнайдиган хизмат кўрсатиш соҳасини оладиган бўлсақ, охириги уч йилда пуллик хизматлар ҳақми 1,6 баробар ўсганини қайд этиш ўринлидир.

Мамлакатимизнинг энг йирик банклари, уларнинг шаҳар ва туман филиаллари фаолият юритаётган пойтахтимизда ишчи замонавий асосда ташкил этишга катта эътибор қаратилаётгани тўғрисида бу соҳадаги хизмат сифати ва самарадорлиги ошиб бормоқда.

Шулар қаторида техник ва технологик жиҳатдан яхши жиҳозланган, бержа операциялари реал вақт режимида амалга оширадиган Урта Осиёдаги энг йирик товар-хомашё биржаси, қимматли қоғозлар ҳамда валюта биржалари, сургурта, лизинг, аудиторлик компаниялари Тошкентнинг йирик молиявий марказ сифатидаги нуфузи ортиб бораётганидан далolat беради.

Транспорт инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли ва транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун янада кулай имкониятлар яратиш мақсадида Кичик халқа йўлида кўприк ва йўл ўтказгичлар, 6 ва 8 полосали магистраль йўллар қурилди ва фойдаланишга топширилди. Фақат 2011 йилнинг ўзида Амир Темур, Алишер Навоий, Беруний, Шаҳрисабз ва бошқа ўнлаб кўчаларда кенг кўламли таъмирлаш ва реконструкция ишлари амалга оширилди.

Биз учун устувор аҳамиятга эга бўлган ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, аҳоли соғлигини сақлаш, фан, таълим, маданият, санъат, спорт ва бошқа соҳалар бўйича ҳам Тошкент шаҳри етакчи ўрин эгаллаб келаётгани ҳақида ортиқча гапиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман, деди Президентимиз.

Таълим-тарбия соҳасини оладиган бўлсақ, пойтахтимизда энг юксак жаҳон талабларига жавоб берадиган, жумладан, дунёдаги кўзга кўринган университетлар билан ҳамкорликда ташкил этилган, мустақам моддий-техник базага эга бўлган олий ўқув юртлири — Вестминстер университети, Турин политехника университети, Сингапур менежментини ривожлантириш институти, Москва давлат университети, Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети, Губкин номидаги Россия нефть ва газ университетининг филиаллари фаолият кўрсатаётгани, шунингдек, Буюк Британиянинг машҳур Кембриж университети билан тузилган шартнома асосида Юксак технологиялар ўқув-тажриба маркази барпо этилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шу билан бирга, бу борадаги бошқа ишларимиз — яъни, яратилган шароитга кўра олий ўқув юртлиридан кам бўлмаган лицей ва коллежлар, мактаблар барпо этиш бўладими, уларни замонавий жиҳозлар ва ўқув воситалари билан таъминлаш, янги таълим стандартлари ва услубларини жорий этиш бўладими, бу билми масканларининг корхоналаримизни малакали кадрлар билан таъминлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қўшаётган ҳиссаси бўладими — буларнинг барчаси одамнинг гурури ва ҳавасини тортадиган баркамол авлодни вояга етказишга хизмат қилаётганини кўриш, кузатиш қийин эмас.

Бутун дунёга машҳур "Женерал Моторс" компанияси билан биргаликда ташкил этилган, нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиёда ягона бўлган, автомобиль двигателлари ишлаб чиқарадиган қўшма корхонада яқинда ана шундай билими ва малакали ёшлар билан учрашганимизда мен бунга яна ва яна бир бор иқдор бўлдим. Илм-фаннинг сўнги ютуқлари негизда яратилган, компьютер дастурлари асосида бошқариладиган, энг назик деталларни ишлаб чиқарадиган мураккаб технологияларни пухта ўзлаштириб олган фарзандларимизни кўриб, улар билан суҳбатлашиб, уларнинг ёниб турган кўзларига боқиб, худдики ўзимнинг болаларимнинг ютуғини кўргандек қўвонганим ҳеч қачон ҳаёлимдан чиқмайди. Бундай ёшлар билан танишиб, уларнинг иш самарасини кўрган ҳар қандай одам Ўзбекистон бугун ҳақиқатан ҳам тараққиётнинг янги босқичига кўтарилаётганини беихтиёр ҳис қилади, деди Юртбошини ва қўйидаги фикрларни алоҳида таъкидлади.

Маълумки, ҳақорда ўзининг нефть, газ каби ер ости захиралари ҳисобидан бойлик орттираётган давлатлар ҳам оз эмас. Албатта, сармом бўлса, кўп нарсаги, жумладан, замонавий технологияларни ҳам сотиб олиш мумкин, лекин уларни ишлатиш, самарали фойдаланиш учун энг аввало юксак малакали етук кадрлар керак.

Мен ҳам ўз вақтида кўп заводларда ишлаганман. Тошкент қишлоқ ҳўжалик машиналари, Тошкент авиация бирлашмаси ва бошқа йирик корхоналарда технологияларни ўзлаштириш мактабини ўтаганман. Лекин "Женерал Моторс" билан ҳамкорликда ташкил этган корхонамиз — бу бутунлай янги бир олам. Бу ишлаб чиқариш мажмуасини, албатта, бориб кўриш керак. Бу ерда ишларимиз юксак технологияларни қандай билимдонлик ва маҳорат билан бошқараётгани ҳаммани қойил қолдирмоқда.

Биз 20 йил давомида қанча-қанча синов ва қийинчиликларни, бизга нисбатан бўлган немасимаслик қарашларини ҳам бошимиздан кечирдик. 90-йилларнинг бошида Ўзбекистонда илгари қурилган корхоналар тўхтади, муҳандислар, техник ходимлар, олимлар ва зиёлилар бу мамлакатни тарк этади, бу ерда тараққиёт орқага кетади, деган гапларни ёшлар эшитмаган бўлиши мумкин, лекин ҳурматли оқсоқолларимиз бунга яхши биледилар. Биз ана шундай мураккаб даврда барча машаққатларга чидаб, бор куч ва салоҳиятимизни ишга солиб, ўз иродамизни, ўзбек халқи ҳеч кимдан кам эмаслигини дунёга намойён этдик.

Яқинда Тошкент шаҳрида таълим масалалари бўйича ўтказилган халқор конференцияда жаҳондаги энг нуфузли ташкилотлар вакиллари, шу соҳанинг кўзга кўринган намоёндалари томонидан биз эришган улкан ютуқлар яна бир бор тан олинди, бошқаларга ибрат сифатида эътироф

этилгани бarchамизни қувонтирди.

Энг муҳими, бугунги кунда юртимизда ҳаёт сифати ўзгариб, аҳолимиз, айниқса, ёшларимизнинг нафақат онгу тафаккури, балки турмуш маданияти, айтиш мумкинки, ҳатто қийиниш маданияти ҳам юксалиб бормоқда.

Агарки мендан шу даврда амалга оширган энг катта ишларимиз ҳақида ҳисоб беришни сўраса, мен, ҳеч шубҳасиз, юртимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш йўлида жамоатчилигимиз, бутун халқимиз билан бирга олиб бораётган улкан ишларимизни фахру гурур билан айтган бўлардим. Ҳақиқатан ҳам, ўзининг моҳияти ва кўламига кўра беқиёс бўлган бу ишлар ҳозирги вақтда шундай мустақам бир изга қўйилдики, энди бизнинг бу йўлдаги ҳаракатларимизни тўхтатиш асло мумкин эмас, деди Президентимиз.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустақамлаш, жумладан, оналик ва болаликни муҳофаза этиш бўйича эришаётган катта ютуқларимизда Тошкент шаҳрининг алоҳида ўрни ва ҳиссаси бор.

Бугунги кунда бу ерда Республика шовишлик тиббий ёрдам маркази, перинатал ва скрининг ҳамда диагностика марказлари, бир қатор ихтисослаштирилган тиббий илмий-амалий марказлар ва бошқа кўплаб соғлиқни сақлаш муассасалари фаолият олиб бормоқда. Аини пайтда замонавий технологиялар ва ускуналар билан жиҳозланган кардиохирургия маркази фойдаланишга топширилиш арафасида турбиди ва келгусида бу борадаги ишлар изчил дам эйтирилади.

Мажлисида Тошкент шаҳрида кейинги йилларда эришилган ютуқ ва натижалар ҳақида сўз борар экан, қурилиш ва бунёдкорлик соҳасидаги улкан ишлар алоҳида таъкидланди. Айниқса, миллий меъморлик аънавалари ва замонавий шаҳарсозликнинг энг юксак талаблари асосида барпо этилган Мустақиллик майдони, "Ўзбекистон" халқор анжуманлар саройи, Симпозиумлар саройи ва Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона ўз ичига олган Маърифат маркази, Ҳазрати Имом мажмуаси, Амир Темур хиёбони, бошқа ўнлаб муҳташам бино ва иншоотлар шу борадаги ишларимизнинг ёрқин намоёни экани қайд этилди.

Тошкентнинг сўнги йилларда яққол эътироф этилаётган яна бир устувор хусусияти борки, у ҳам бўлса, унинг дунёдаги пойтахт шаҳарлар ўртасида экологик жиҳатдан тоза ва кўркам қиёфа касб этиб бораётганида ўз ифодасини топмоқда.

Ҳар йили янги-янги обод уй-жойлар, бог ва хиёбонлар, ижтимоий инфратузилма объектлари барпо этилаётгани, энг муҳими, бунёдкор Тошкент ахлининг ўз уйи, ўз маҳалласи, ўз шаҳрига бўлган меҳри ва эътибори ана шундай эътирофга эришишда ҳал қилувчи омил бўлмоқда.

Илгариги вақтда шаҳарнинг аксарият мавзе ва майдонла-

ри қуруқ бетон ва асфальтдан иборат бўлиб, ёз ойларида одамнинг нафаси қайтиб кетадиган бир аҳволда эди. Кейинги йилларда кўплаб майдон ва хиёбонларда кўкालмзор худудларни кенгайтириш учун жуда катта ишлар амалга оширилди. Айниқса, арча, каштан, қайин, қарағай, эман каби киллордага бой дарахтлар, яшил буталар, майсазор майдонлар шаҳар қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди.

Бу ҳақда узоқ гапириш мумкин, лекин шу борада биргина рақамни олиб келсак, ўйлайманки, кўп нарса ўз-ўзидан аён бўлади, деди Исрол Каримов. Агарки 1990 йилда Тошкент шаҳри умумий майдонининг 9 фоизини бог ва хиёбонлар, яшил худудлар ташкил этган бўлса, ўтган давр мобайнида бу кўрсаткич яқин ариям баробардан зиёдга ортиб, ҳозирги вақтда 23 фоизга етгани, ҳеч шубҳасиз, ана шундай улкан ишларимизнинг амалий натижасидир.

Эски шаҳарнинг илгариги ҳолатини кўпчилик яхши эслайдилар, албатта. Жазирама ёз пайтида бу ерда осмонни туманга ўтлаш қорум қурум қоплаб ётарди. Ёшларимиз бунин билмаслиги мумкин, лекин кўпчилик одамларимиз шундай оғир шароитда яшагани ҳақиқат, деб қайд этди Исрол Каримов.

Давлатимиз раҳбари жорий 2012 йилда Тошкентни янада обод қилиш йўлида бошланган ишларни давом эттириб, яна кўплаб янги объектларни ишга тушириш кўзда тутилаётгани ҳақида атрофлича тўхталиб ўтди.

Аввало, Алишер Навоий қўчасидаги ижтимоий-маданый ва маийий объектларни ўз ичига олган, 320 хонадонга мўлжалланган 8та янги уй-жойнинг қурилиши якунига етказилади. Мен сизларга шу уйлари бориб қуришни тавсия қилган бўлардим. Бу янги уй-жойлар энг замонавий лойиҳалар асосида барпо этилмоқда. Бизнинг мақсадимиз, талабимиз шундайки, агар уй-жой қурадиган бўлсақ, эски замондагидек пўхсадан эмас, балки етти пуштимига етadиган қилиб, ҳар томонлама пухта уйлаб, 80—100 йилга мўлжаллаб қуришимиз керак.

Айнан ана шундай талаблар асосида ҳозирги вақтда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича кўплаб уй-жойлар қурилаётганидан хабарингиз бор, албатта. Шаҳримизнинг қоқ марказида, Алишер Навоий қўчасида бунёд этилаётган уйлар Европанинг тараққий топган давлатларида қурилган уйлардан асло кам бўлмаслиги керак. Уларнинг олдида одамлар оиласи, фарзандлари билан дам олиб ўтирадиган масканлар, зарур инфратузилма объектлари барпо қилиш, келгусида бундай уйлари яна кўплаб қуришга алоҳида эътибор беришимиз лозим.

2012 йилда, шунингдек, Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобидан бу йилнинг

КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИ

ўзида 14та мактаб, 3та академик лицей, 6та касб-хунар коллежи реконструкция қилиши ва капитал таъмирлаш, 8та даволаш маъсасасини реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди.

Маълумки, жорий йилдан бошлаб мамлакатимизда олий ўқув юртлирининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш дастурини амалга оширишга киришилди. Шу борада Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат техника университети, Тошкент тиббиёт академияси ва Педиатрия тиббиёт институтида бошланган ишлар бу йил изчил давом эттирилади. Шулар қаторида "Ёшлик" талабалар шахарчасини ободонлаштириш ишларини нихоясига етказиш кўзда тутилмоқда.

Жорий йилда Чилонзор туманида "Бунёдкор" стадиони, ёпиқ сузиш ҳавзасига эга бўлган футбол мактаби ҳам қуриб фойдаланишга топширилади. Бундай ишлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин.

Пойтахтимизда яқин келгусида амалга ошириладиган йирик курилиш ва ободонлаштириш ишлари ҳақида гапирганда, деди Юртбошимиз ўз нутқини давом эттириб, Тошкент шахрининг энг муҳим қисми бўлган Эски шахар ҳудудини тубдан реконструкция қилиш ва ободонлаштириш ишларини янги босқичга кўтаришга алоҳида эътибор қаратишимиз даркор.

Шу муносабат билан яқинда Тошкентнинг Эски шахар қисмини 2020 йилгача бўлган даврда ривожлантириш ва ободонлаштириш бўйича алоҳида ҳужжат — Президент қарори қабул қилинди. Бу муҳим ҳужжатда Эски шахарни тубдан реконструкция қилиш, янада ривожлантириш ва ободонлаштириш, аҳолининг ҳаёт сифатини ошириш, замонавий талаблар, шахарсозлик принциплари ва нормаларига мувофиқ тарзда ижтимоий, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини шакллантириш, миллий меъморлик аъналарини асраб-авайлашга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар кўзда тутилган. Жумладан, иккита гоят муҳим масалани ечишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Биринчи масала — Эски шахар ҳудудидаги мавжуд аҳвол, авваламбор, йўл-транспорт коммуникацияларнинг ҳолати, турар-жой массивларининг ичимлик суви, канализация, иссиқлик ва электр энергияси билан таъминланиш даражаси замонавий талабларга, шахарсозлик ва санитария нормаларига қанчалик жавоб беришини ҳисобга олишдан иборат.

Иккинчи масала — реконструкция ишларини амалга оширишда Тошкент шаҳри, айниқса, унинг Эски шахар қисмидаги миллий меъморчилигимизнинг ўзига хос хусусият ва аъналарини, халқимиз маданий меросининг тисмоли бўлган, ислом маданияти ва жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилган тарихий-меъморий ёдгорликларни асраб-авайлашдан иборат.

Ана шу муҳим йўналишлар Тошкентни истиқболда замонавий шахарсозлик асосида ривожлантириш ва ободонлаштириш дастури лойиҳасини шакллантиришда асос бўлиб хизмат қилиши даркор. Таъкидлаш кераки, бу дастур 2020 йилга қадар босқичма-босқич амалга оширилади. Унинг ҳар бир йўналиши бўйича, мутахассислар, архитектор ва лойиҳачилар, тарихчи олимларни жалб этган ҳолда, ишчи гуруҳлар ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Албатта, ана шу ишчи гуруҳлар томонидан тайёрланган материаллар асосида ишлаб чиқиладиган дастур лойиҳаси кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилинади. Чунки бу ўринда сўз бутун халқимиз, мамлакатимиз тарихига, унинг миллий қадрият ва аъналарига, минг-минглаб юртдошларимизнинг бугунги ва эртанги ҳаётига бевосита дахлдор бўлган масалалар ҳақида бормоқда.

Энг муҳими, Тошкентнинг қандай қадимий ва бой ўтмиши борлигини, дунёда 2200 йиллик тарихга эга бўлган шахарлар бармоқ билан санарли эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Йиллар, асрлар ўтса ҳам, эски ўрни бузилиб кетган бўлса ҳам, бундай қадимий шахарларда одамлар тарихий хотира туйғусини йўқотмасдан, қўҳна манзил ва масканларни доимо эслаб юради. Тошкентнинг ўн икки қадимий дарвозасини, уларнинг Лабзак, Қашқар, Қўқон, Қайтамас, Бешёғоч, Камолон, Самарқанд, Кўкча, Чигатой, Сағбон, Қорасув ва Тахтапал деган номларини халқимиз ҳозирга қадар ёдидан чиқармасдан келаётгани ҳам бу фикрнинг тасдиқлаб турибди.

Барчамизга яхши маълумки, собиқ совет даврида, айниқса, 1966 йилги Тошкент зилзасидан кейин узоқни ўйламасдан, паллапартиш қилинган ишлар туфайли пойтахтимиз ривож билан боғлиқ кўпгина муаммолар тўпланиб қолган эди.

Калтабинларча олиб борилган ишлар туфайли Тошкентнинг бетакор табиига катта зарар етказилди, қанча-қанча боғлар бузилиб, ариқ ва булоқлар қўрилиб, уларнинг ўрнида иклим шароитимизга мутлақо тўғри келмайдиган, бир-бирига ўхшайдиган кўпқаватли темир-бетон уйлар, ишлаб чиқариш корхоналари ўйламай-нетмай қуриб ташланди. Яқин ўтмишдаги ана шундай аччиқ тажрибалар шундан далолат берадики, шахарсозликда етти марта эмас, етмиш марта ўлчаб, бир кетиш керак.

Айниқса, бугунги кунда ўш доғларб бўлиб бораётган йўл қурилишида бундай ёндашувнинг аҳамияти катта. Бу ҳақда гапирганда, бир фикрни алоҳида таъкидлаш лозим: 4-5 полосоли йўллар қуриш, кўчаларни кенгайтириш мумкин, лекин йўл ёқасидаги уйлари нима қилиш керак?

Ҳозирги вақтда Тошкентга келаётган одамлар йўлларимизнинг кенглигини қўриб, ҳайрон қолмоқда. Аммо бу йўлларнинг қандай қийинчиликлар билан кенгайтириляётганини кўпчилик билмайди.

Айтиш кераки, шахарда мавжуд бўлган трамвай ва троллейбус линиялари бугунги кун талабларига, транспорт ҳаракатининг тезлигига жавоб берамай қўйгани сир эмас.

Биз аввалги эски трамвай ва троллейбус йўналишларидан воз кечиш ҳисобига йўлларни кенгайтиришга эришмоқдамиз. Тошкент шахарда мавзелар ўртасида тезюрак трамвайларнинг ҳаракатини йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Айниқса, йўллардаги қатнов йўналишларини ажратиб турадиган бетон тўсиқлар ўрнатилётгани яхши натижа бермоқда.

Сизларга яхши маълумки, совет даврида Тошкентда коммунистик мафкура руҳидаги номлар кўп бўлган. Кейинги пайтда уларнинг қадимий номларини тиклаш бўйича кўпгина ишлар қилинди ва қилинмоқда. Қатор майдон ва кўчалар, истироҳат боғлари, жумладан, Учтепа ва Олмазор туманлари мисолида ана шундай тарихий номлар тикланганини кўриш мумкин.

Айни вақтда шуни ҳам айтиш кераки, 90-йилларнинг бошларида жойларга ном бериш масаласида паллапартиш ва бирёқлама иш тутиш ҳолатлари юз берганидан кўз юмиб бўлмайди. Дейлик, кимнингдир боласи амалдор бўлиб қолса, отаси ёки бирон-бир қариндошининг номини кўча ёки мактабга беришга ҳаракат қилган.

Мен мустақиллик байрами арафасида Тошкент шахрида барпо этилган янги аэропорт биноси билан танишар эканман, ён-атрофдаги баъзи кўчаларга номлари қўйилган шахарлар ҳақида сураганимда, ишонасизми, ҳеч ким аниқ бир маълумот беролмади.

Мана энди, бу масалага ҳам бутунлай янгича ёндашиб, масъулият билан, ҳар томонлама пухта ўйлаб иш тутиш вақти келди. Яқинда жой номлари бўйича махсус қонун қабул қилдик. Бу борадаги асосий талаб шуки, жойларга шахсларнинг номини имкон қадар камроқ қўйиш керак. Шунда ўзимиз учун камроқ муаммо туғдирган бўламиз.

Таъкидлаш кераки, бу шунчаки топонимик масала эмас, аввало, маънавий тарбия масаласидир. Жой номлари юртдошларимиз, ёшларимиз қалбидан ўз юртига муҳаббат, тарихимиз ва миллий қадриятларимизга нисбатан ҳурмат-эҳтиром туйғуларини камол топтиришга, уларнинг дунёқарашини ва маънавий оламини шакллантиришга хизмат қилиши лозим. Бу борада сохта ва қалбаки ишлар билан фарзандларимизнинг онги, тарбияси, адолат ва келажакка ишончига путур етказишга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин, бундай юксак марраларнинг замирида мен учун азиз бўлган тошкентликларнинг фаоллиги, пойтахт аҳолисига хос бўлган аҳиллик, меҳроқибат, ишиблармонлик каби фазилатлар, меҳнат, меҳнат ва яна бир бор меҳнат муҳассам, десак, асло хато бўлмайди. Ва бунинг учун сизларга, кўпмиллатли бутун Тошкент аҳлига ўз номимдан, халқимиз номидан самимий миннатдорлик билдираман, деди Юртбошимиз.

Ҳаммамиз яхши биламиз, кейинги йилларда Тошкент шахрида эришилган ютуқлар билан бирга, ишда йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар, одамларнинг норозилигига сабаб бўлаётган, ҳали-бери ечилмасдан келаётган турли муаммолар ҳам, афсуски, йўқ эмас.

Бу ҳақда гапирганда, биринчи навбатда шахар ва туман раҳбарлари, барча фаолларимиз қўлини ҳолисона кўксига қўйиб, ўзига ўзи ҳисоб бериши, бу камчиликларни бартараф этиш тўғрисида бош қотириши ҳам қарз, ҳам фарздир. Бундай нуқсонларни шу залда ўтирганларнинг кўпчилиги яхши билади, минг-минглаб ҳамшахарларимиз ўз кундалик ҳаётида бу муаммоларга доимо дуч келади, деди Исрол Каримов.

Аввало одамларни рози қилиш, аҳолининг ташвишларидан узоқ бўлмаслик, унинг дарди билан яшаш ҳар қайси раҳбардан ўз ишига танқидий қараб, мен шу талабларга жавоб беришимни ёки йўқми, деган саволни ўзига бериши, ўз масъулиятини ошириш, зиммасига юклатилган вазифани ўз вақтида бажариш ва қонунга сўзсиз итоат қилишнинг тақозо этади.

Шу маънода, раҳбар қарларнинг масъулияти ҳақида фикр юритганда, бу борада Тошкент шахрида бир қанча нуқсонларга йўл қўйилаётганидан, афсуски, кўз юмиб бўлмайди. Ўз фаолиятида турли қонун бузилишларига, вазифани суистеъмол қилишга йўл қўйгани учун кейинги вақтда Бектемир тумани ҳокими А.Ҳошимжонов, Миробод тумани ҳокимининг ўринбосари А.Абдурахмонов, Тошкент шахар ҳокимлиги ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси бошлиғи А.Ҳасан-хўжаев, биналардан фойдаланиш департаменти бошлиғи М.Мирсағатов, "Тошшаҳаргаз" бошқармаси бошлиғи А.Саидвалиевнинг жиноий жавобгарлик тортгани шундан далолат беради. Шунингдек, шахар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи Б.Камолов, Олмазор тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Турсунов хизмат вазифасини талаб даражасида бажара олмагани сабабли ўз вазифасидан озод этилди.

Тошкент шахрида фуқароларнинг давлат идораларига муносабат масаласида ҳам камчиликлар йўқ эмас. Албатта, бундай муносабатлар белгиланган тартибда қўриб чиқилмоқда, уларга жавоб ҳам беришмоқда. Лекин таҳлиллар баъзан шахар ва туман ҳокимликлари мутасаддилари томо-

нидан бу масалада сансалорлик ва расмиятчилик, камчиликларни ўз вақтида бартараф этмасдан, айбдор мансабдор шахарга нисбатан тегишли чоралар кўрмаслик ҳолатларига йўл қўйилганини кўрсатмоқда. 2011 йилда Тошкент шахар фуқароларининг Президент девонига шикоят ва аризалари сони 2010 йилга нисбатан ўртача 11 фоизга ортгани ҳам бу борадаги аҳволнинг қоникарли эмаслигидан дарак беради.

Бу ҳақда гапирганда, мана шундай мажлис ва учрашувларда кўп бор айтиладиган, кўп қарорларда қайд этилган бир фикрни таъкидлаш лозим. Яъни, ҳар қайси муносабатнинг ортида тирик жон турибди, уларда кимнингдир арз-доди, керак бўлса, дарди, айрим амалдорлар томонидан йўл қўйилган адолатсизлик турганини ҳеч қачон унутмаслик лозим. Бу масалалар бўйича биз қанча лоқайд ва бетараф бўлиб юрсак, одамларнинг норозилиги шунча кўпаяди. Такрор айтаман, юзага келган бирон-бир муаммо ўз-ўзидан ҳал бўлади, деган қайфият билан юриш жуда катта хато бўлади. Агарки ҳар қайси раҳбар, етказчи ўзи дуч келган муаммонини бугун ечмаса, эртага кеч бўлади. Раҳбарнинг асосий бурчи бу вазифаси ҳам айнан ана шундан иборат.

Яна бир масала шуки, бундай муносабатларни қўриб чиқяётганда, аризаларни жойларга бориб текшираётганда, биринчи навбатда, кимга суявоб берялгани ёки йўқми, деган саволни ўзига бериши, ўз масъулиятини ошириш, зиммасига юклатилган вазифани ўз вақтида бажариш ва қонунга сўзсиз итоат қилишнинг тақозо этади.

Шу маънода, раҳбар қарларнинг масъулияти ҳақида фикр юритганда, бу борада Тошкент шахрида бир қанча нуқсонларга йўл қўйилаётганидан, афсуски, кўз юмиб бўлмайди. Ўз фаолиятида турли қонун бузилишларига, вазифани суистеъмол қилишга йўл қўйгани учун кейинги вақтда Бектемир тумани ҳокими А.Ҳошимжонов, Миробод тумани ҳокимининг ўринбосари А.Абдурахмонов, Тошкент шахар ҳокимлиги ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси бошлиғи А.Ҳасан-хўжаев, биналардан фойдаланиш департаменти бошлиғи М.Мирсағатов, "Тошшаҳаргаз" бошқармаси бошлиғи А.Саидвалиевнинг жиноий жавобгарлик тортгани шундан далолат беради. Шунингдек, шахар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи Б.Камолов, Олмазор тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Турсунов хизмат вазифасини талаб даражасида бажара олмагани сабабли ўз вазифасидан озод этилди.

Тошкент шахрида ўтган йили 82 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилган, жумладан, касб-хунар коллежлари-ни битирган 33 минг нафардан ортиқ ўғил-қизларимиз ишга жойлаштирилгани, албатта, эътиборга лойиқ. Лекин, Бектемир туманида кичик қорхона ва микрофирмаларни ташкил қилиш, Яққасарой ва Учтепа туманларида эса касаначилик ҳисобидан иш ўринлари яратиш режаси тўлиқ бажарилмагани, Миробод, Сирғали, Чилонзор, Ҳамза туманларида бу борадаги ишлар талаб даражасида эмаслигини қандай баҳолаш мумкин?

(Давоми 4-бетда.)

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИ

(Давоми.)

Боши 1-2-3-бетларда.)

Хозирги кунда Тошкент шаҳридаги бандлик хизматлари томонидан 5 минг 100 киши ишсиз сифатида расман рўйхатга олинган. Аммо, ўйламанки, уларнинг ҳақиқий сони анча кўп. Нега деганда, минг афсуски, ишсиз юрганларнинг кўпчилиги ўз вақтида бандлик идораларига бориб, рўйхатга турмайди, ўз дардини ўзини ҳал қилмоқчи бўлади. Бундай ҳолатни ҳам ўзгартириш вақти келди. Масалан, Тошкент шаҳрида 5 минг 100 киши ишсиз эканига ким ишонади? Шунинг учун бандлик хизмати идоралари ўз ишини тубдан қайта кўриб чиқиши зарур.

Маълумки, бугунги кунда ишсизлик масаласи бутун дунёда энг катта муаммога айланмоқда. Хатто энг ривожланган давлатлар ҳам шундай муаммони бошидан кечирмоқда. Европадаги етакчи мамлакатларда 8-9 фоиз, базиларида эса ҳатто 20 фоизгача одам ишсиз экани кузатиш мумкин.

Шундан хулоса қилган ҳолда, биз бу борада мунтазам равишда иш олиб боришимиз, унинг ечимини ҳақиқатда беш қотиришимиз керак. Одамлар учун барқарор даромад манбаи, муносиб иш ўринларини яратиш бериш зарур. Ўзингиз ўйланг, агар мана шу залда ўтирган раҳбарлар ва фаолларнинг ҳар бири 5-10тадан янги иш жойлари ташкил этиб берса, бу қандай катта савоб иш бўлар эди, деб қайд этди Ўртбошимиз.

Аҳолини иш билан таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик қандай катта роль ўйнашини кимгадир исботлаб, тушутириб ўтиришнинг ҳолати йўқ. Лекин ана шу муҳим соҳани ривожлантиришда Тошкент шаҳрида айрим камчиликлар мавжудлигидан кўз юмиб бўлмайди.

Аввало, ўз ишини ташкил этаётган тадбиркорлар бино ва иншоотлар қуриш учун рухсатнома оlishда, коммунал хўжалик ва муҳандислик тармоқларидаги улашишда ҳали-бери бюрократик тўсиқларга дуч келаятиганини, назорат органлари томонидан хўжалик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашуварга йўл қўйлаётганини очик тан олиш лозим.

Такрор ва такрор айтишга тўғри келди — бугунги кунда айнаи шу масала, яъни аҳолини, авваламбор ёшларимизни иш билан таъминлаш муаммосини ечиш, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг ҳаёт даражасини оширишда, юртимизда барқарорликни мустаҳкамлашда, одамларни рози қилишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини асло унутмаслигимиз керак.

Ҳаммамизга маълум, биз бу йил жуда оғир қиш мавсумини бошимиздан ўтказдик. Айнаи мана шундай қиш мавсумида шаҳар хўжалигида, айнаиқса, коммунал соҳада ўз вақтида эътибор берилмаган муаммолар лоп этиб ўртага қалқиб чиқди. Тошкентда қаҳратон қиш палласида иссиқлик таъминотида, электр энергияси,

табиий газ билан таъминлашда айрим муаммолар юз бергани ҳам сир эмас.

Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, шаҳардаги 8 минг 244 та кўпқаватли уй-жойнинг 1 минг 252таси қишга яхши тайёрланмаган. Жумладан, қозонхоналарни қиш мавсумига тайёрлашда йўл қўйилган камчиликлар туфайли декабрь ва январь ойларида 2та йирик қорхона томонидан аҳолига иссиқлик энергияси етказиб беришда узилишлар вужудга келган.

Шунинг учун шаҳар ҳокимлиги яқин кунлар ичида кузги-қишги мавсум яқунлари бўйича алоҳида мажлис ўтказиб, бу борадаги ишларнинг аҳолига танқидий ва принципал баҳо бериши керак.

Ким мана шу оғир пайтда ўзини аямасдан, жонкуярлик кўрсатиб ишлаган бўлса, у оддий ишчи ёки мутахассис бўладими, бундай заҳматкаш инсонларнинг барчасига раҳмат айтиш, рағбатлантириш, керак бўлса, Президент номидан мукофот бериш, давлат мукофотларига тавсия этиш лозим. Лекин бу масалага совуққонлик билан қараб, ишда нуқсонларга йўл қўйган, лавозимда ўтирган раҳбарларнинг масъулиятини ошириш учун тегишли чоралар қўриш зарур, деб таъкидлади Ислоом Каримов.

Айнаи вақтда шаҳардаги мавжуд турар-жой фондидан саклаш борасидаги ишларнинг аҳоли ҳам талаб даражасида эмаслигини қайд этиш даркор. Аксарият уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўз вазифасини тўлиқ бажармаётгани туфайли 1991 йилгача қурилган 300 дан ортик кўпқаватли уйда капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилмаган, ўтган йили уйларнинг ташқи томонини таъмирлаш ишлари фақат 89 фоизга бажарилган, ҳолос. Етарли маблағ ажратилганига қарамасдан, кўпқаватли уйлардаги 36та лифт ўз вақтида ўрнатилмаган.

Ўқорида келтирилган хато ва камчиликларни чуқур таҳлил қилиб, уларнинг келгусида такрорланмаслиги учун хулоса ва сабоқ чиқариш, бу борада аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш энг асосий вазифа сифатида қаралиши зарурлиги сессияда алоҳида қайд этилди.

Мана, қишдан эсон-омон чиқиб олдик, насиб этса, ҳадемай, Наврўз байрамини ҳам биргаликда ўтказамиз. Мана шундай вақтда, содда қилиб айтганда, "илик узилди" пайтда одам организмни тўйимли, витаминга бой махсулотга эътиёж сезиши табиий ҳол. Лекин айнаи шундай вазиятдан, яъни, ўтган йили етиштирилган деҳқончилик махсулотлари қамайиб, янги ҳали чиқмаганидан фойдаланиб, баъзи бир ноинсон қимсалар бозорда озик-овқат, айнаиқса, қишлоқ хўжалик махсулотларининг нархини ошириб юбориши — яширишнинг ҳолати йўқ — бу ҳам бор гап.

Биз бундай ноҳуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида

кейинги йилларда ўз вақтида тегишли чоралар қўриб, қишлоқ хўжалик махсулотларининг тегишли захирасини яратиш бўйича қилаётган ишларимиз, ўйламанки, сизларга яхши маълум, деди Президентимиз. Жумладан, ўтган йили куз мавсумида Тошкент бўйича 71 минг тоннага яқин картошка, пивёз, сабзи, қарам ва бошқа қишлоқ хўжалик махсулотлари захира учун жамғариб қўйилгани қиш мавсумида бозорларимиздаги сөрб-чиликни таъминлаб, нарх-навонинг кескин ошиб кетмаслигига олиб келди. Бугунги кунгача ана шу захиранинг 61 фоизи бозор нархларига нисбатан 25-30 фоизгача арзонлаштириб сотилгани аҳолимиз учун сезиларли мадад бўлди.

Шу билан бирга, чорва ва парранда гўшти, сут, тухум, балиқ махсулотлари ҳам фермер хўжаликлари билан тузилган шартномалар асосида пойтахт бозорларига мунтазам етказиб берилаятиганини қайд этиш зарур.

Бу ҳақда гапирганда, Тошкент шаҳрига вилоятларимиздан қишлоқ хўжалик махсулотларини етказиб бераётган миришкор дехқон ва фермерларимизга, бу ишларни ташкил қилаётган инсонларга сизларнинг номингиздан, азим Тошкент аҳли номидан раҳмат айтишни ўринли, деб биламан, деди давлатимиз раҳбари.

Сессияда яна бир муҳим масала, яъни, Тошкент шаҳрида қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги ишлар ҳақида ҳам сўз юритилди. 2011 йилда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан амалга оширилган тадбирлар натижасида жиноятлар сони 2010 йилга нисбатан 1,6 фоиз камайишига эришилгани таъкидланди. Жумладан, қотиллик, фирибгарлик, безорилик, ўлим билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар камайган. Лекин айнаи вақтда қасддан оғир тан жароҳати етказиб, ўғрилик ва талончилик жиноятлари ўсгани ташвиш уйғотмасдан қолмайди.

Афсусланарли жиҳати шундаки, баъзан қонун посбонлари бўлган ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан жиноят содир этиш ҳолатлари кўзга ташланмоқда. Буни ўтган йилнинг ўзида ички ишлар идоралари ходимларидан 12 нафари, солиқ идораси ходимларидан 3, божхона идораси ходимларидан 4 нафари, шунингдек, 1 нафар судья жиноий жавобгарликка тортилгани ҳам тасдиқлаб турибди.

Шу ўринда мен илгари ҳам айтган бир фикрни яна такрорлашни зарур, деб биламан. Маълумки, биз ҳуқуқий-демократик давлат қурмоқдамиз. Ҳуқуқий давлатнинг қуроли қанча ҳимояси ҳам, қўзи ҳам, сўзи ҳам қонундир, деди Ислоом Каримов.

Албатта, тегишли қонунларни қабул қилиш мумкин, лекин бу қонунлар бажарилмаса, одамлар, аввало раҳбарлар, қонун ҳимоячилари

бўлган ҳуқуқ-тартибот идораларининг ходимлари қонунга итоат қилмаса, бундай шароитда адолатга, ҳокимиятга ишонч қоладими ўзи? Адолатга, ҳокимиятга ишонч йўқолган жойда аҳвол қандай тус олишини, ўйламанки, тасаввур қилиш қийин эмас ва бунга асло йўл қўйиб бўлмайди.

Ҳаётий тажриба шуни кўрсатадики, одамлар кимгадир, нимагадир ишончини йўқотса, кейин уни қиллаш, албатта, қийин бўлади. Ҳуқуқ-тартибот органларида ишлайдиган одамларнинг ўзини тутиши, хизмат ва муомала маданияти ҳақида мен бу ўринда бежиз сўз юритаётганим йўқ. Нега деганда, форма қийиб, гердайиб юришдек совет давридан қолган салбий ҳолатлар ҳали ҳам, афсуски, йўқ эмас. Ички ишлар, прокуратура ва хавфсизлик идоралари хизматчилари ўз вазифасини бажаряпти, буни, албатта, эътироф этиш керак. Айнаи вақтда шуни ҳам эсдан чиқармаслигимиз лозимки, бугунги кунда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларига нисбатан бошқаларга қараганда бир неча баробар қаттиқ талаб қўйилмоқда. Чунки улар аввало давлат, ҳокимият номидан иш олиб боради ва бу масъулиятни эсдан чиқаришга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ, деб таъкидлади Ўртбошимиз.

Бу масалада жамоатчилик назорати, маҳалланинг роли ва таъсири жуда кучли эканини ҳаммамиз яхши биламиз. Шу борада мен илгари ҳам тўхталиб, маҳалла — ҳалқ виждони, деган фикрни билдирган эдим, деди Президентимиз. Ҳақиқатан амалга оширилган тадбирлар ҳам, энг виждонли, меҳр-оқибатли, одамнинг қадрига етadиган инсонлар айнан маҳаллада яшайди. Шунинг учун ҳам маҳаллани том маънода ўзини ўзи бошқариш идорасига айлантириш, унинг ҳуқуқ ва ваколатларини янада кучайтириш масаласи бундан бўён ҳам эътиборимиз марказида бўлиши даркорлигига мажлисда алоҳида ургу берилди.

Бизнинг бугунги ва эртанги тараққиётимиз билан боғлиқ энг муҳим масалалар — бу қурилиш ёки ободонлаштириш бўладими, коммунал хизмат, маънавий ҳаётимизни юксалтириш, оила, ёшлар тарбияси билан боғлиқ масалалар бўладими — буларнинг барчасида мен аввало кўпни қўрган маҳалла оқсоқоллари ва фаолларини ўзимнинг энг яқин кўмакчим, таянчим ва сўянчим, деб биламан ва мана шундай кўп қиррали фаолият учун, шу фурсатдан фойдаланиб, уларга чин қалбдан ташаккур билдираман.

Албатта, Вазирлар Маҳкамаси оқорида зикр этилган барча масалаларни нафақат Тошкент шаҳрида, балки бутун мамлакат миқёсида кўриб чиқиши ва тегишли чоралар белгилаши зарур, деди Ислоом Каримов.

Сессияда ташкилий масала кўриди. Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоом Каримов тасвирасига биноан, Тошкент шаҳар ҳокими вази-

фасини бажариб келаятган Раҳмонбек Жаҳонгирович Усмонов Тошкент шаҳар ҳокими этиб сайланди.

Барчамиз яхши тушунамиз, яхши англаймиз: Тошкент шаҳрига раҳбар, етакчи бўлиш, аввало кўпмиллатли пойтахт аҳлини бирлаштириш, ишни оқилона ташкил этиш, шаҳар ва туман раҳбарлари, маҳалла оқсоқолларининг бошини қовуштириш, уларга сўянчи ва таяниш, депутат ва фаолларни умумий мақсад йўлида сафарбар қилиш, энг муҳими, шу азим шаҳарда истиқомат қилаётган халқнинг ҳаёт сифатини юксалтириш, уни рози қилиш — сўзсиз ўта оғир ва мураккаб вазифадир, деди Ўртбошимиз.

Бундай раҳбар кенг миқёсда фикрлаши ва узоқни кўриб иш тутиши лозим. Бугунги шиддатли ҳаёт эртага йўлимизда пайдо бўлиши мумкин бўлган муаммо ва таҳдидларга тайёр бўлиб, уларнинг ечимини доимо ўйлаб яшашни талаб қилади.

Раҳбар талабчан ва қаттиққўл бўлиш билан бир қаторда, албатта, инсофли ва адолатли бўлиши, қўлга киритган ютуқлардан, атрофдаги лаганбардорларнинг хушомад-ўйлигидан бузилмаслиги, оёғи ердан узилмаслиги, нафс балоси ва манманликка берилмаслиги даркор.

Албатта, бундай кўникмаларни одамга махсус ўргатиб бўлмайди. Кўп нарса унинг имони бутунлиги, иродаси мустаҳкамлигига боғлиқ, десак, айнаи ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бугун сизлар билан учрашиб, ютуқлар билан бирга ҳали ечилмаган муаммолар ҳақида фикр алмашиб, Тошкентнинг янада гўзал ва обод бўлиши учун, унга бўлган фарзандлик меҳримизни амалий ишларда намоён этиш учун қўзда тутилган режаларимиз ҳақида гапирганда, ўйламанки, шу залда ўтирган ҳар қайси инсон, албатта, тўлқинланиб кетади, бамисоли ўнда қанот пайдо бўлади, десам, адашмаган бўламан. Сизлар билан ана шундай режаларни амалга оширишда Оллоҳдан мадад сўраб, барчангизни кириб келаятган Наврўз байрами билан самимий табриклаб, яқин кўндалда учрашини тилаб қоламан, деди давлатимиз раҳбари пировардида.

Сессияда сўзга чиққан Олмазор туманидаги "Гуручарик" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хайрулла Ҳикматов, Республика аҳоли репродуктив саломатлик маркази мутахассиси Феруза Раҳматуллаева ва бошқалар Президентимиз нуктада Тошкент шаҳрининг бугунги тараққиёти, келгуси истиқболлари ҳар томонлама чуқур таҳлил этилганини таъкидлаб, кўрсатиб ўтилган камчилик-нуқсонларни бартараф этиш, шаҳар олдида турган муҳим ва долзарб вазифаларини бажариш, ислохотларимиз самарасини ошириш учун бутун пойтахт аҳли астойдил меҳнат қилади ва қўзланган марраларга, албатта, эришади, деб таъкидлади.

Ўғлим!

Наврўз уйда ўтириб кутиб олинадиган байрам эмас. Баҳор дастлаб дала-даштларга, боғларга, тоғларга кириб келгани каби, Наврўз ҳам аввало кўчаю хибонларга, ҳовлиларга кўрк бериш билан бошланади. Одамларнинг кўнглига шундай кириб келади бу байрам.

Кел, икковимиз ҳам байрам руҳи кезиб юрган шу кунларда бир кўчаларни айланайлик.

“СУМАЛАК НЕГА ЁЗДА ПИШИРИЛМАЙДИ?”

Э, мана, кўшиларга қара, сумалак пиширишни бошлаб юборишибди. “Сумалак нега ёзда ҳам пиширилмайди?” дейсанми. У баҳор таоми, Наврўзнинг таоми. Биласанми, масалан, паловни бир одамнинг ўзи тайёрлаши мумкин. Лекин сумалакни бир киши пиширолмайдди. У кўпчилик

сидаги дарахтларга шакл беришни бошлаб юборибди. Ёнидаги ўғли бўлса керак, шох-шаббаларни йиғиштиряпти. Сен қатори бор-ов ёши ҳам. Кўрдингми, Наврўз оталар ва болаларни, бобо-бувигару невараларни ҳам бир-бирини янада яқинлаштиради — авлодлар ўртасидаги риштани мустаҳкамлайди. Ана шундай гўзал байрам бу Наврўзимиз!

ҳам, осиеликлару европаликлар ҳам шуғулланаяпти. Ўзимизнинг полвонлар ҳам чакки эмас. Мана, Абдулла полвон, Ришод полвонни биласан. Айтгандай, машҳур полвонларимиз орасида ҳам Наврўзда туғилгани бор — дзюдо бўйича миллий терма жамоамиз аъзоси Наврўз Жўрақобилов. Кўпчилиги энг чекка қишлоқлардан етишиб чиққан. Бугун юртимизнинг ҳар бир қишлоғида ўз чемпионлари бор. Чунки шунга яраша шароит борда! Ана, ўзимизнинг ҳамқишлоғимиз Орузбек Тўйлиев ҳам кураш бўйича ёшлар ўртасида Ўзбекистон чемпиони бўлиб, ўтган йили Ҳиндистонда бўлиб ўтган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида иштирок этиб қайтди. Ҳозир Самарқанд шаҳрида коллежда ўқияпти.

Уларни мана бундай бола-

қурилишида эмас, халқимиз, энг аввало, ёшларимиз онгида, дунёқарашида буй кўрсаткичларни таъкидлашди.

Бу тарафни биласан, мана Мустақиллик майдони. Сўнгги йилларда у ердаги барча бинолар янгидан қурилди ёки реконструкция қилинди. Бу томонда эса, янги кўриниш олган Амир Темур хиёбони. Хув анави кўр тўкиб турган салобатли бино — “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройи.

Манави дарахтларга қара, шу ерда — катта шаҳарнинг қоқ ўртасида олмахонлар яшайди. Дарахтдан дарахтга сакраб юрганини бир неча марта кўрганман.

Эски шаҳардаги бир минорага эса лайлақлар уя қурган. Юртимиздаги тинчлик-тотувликнинг бир ишорасидир бу. Бунда ҳам бир ҳикмат бор-да.

Boqiy qadriyat

да раҳматли. Сен унинг неварасимсан? Айтдим ўхшаб турибсан. Балли, ўғлим, баракат топ”. Урта ёшларда: “Ай сен, фалончининг ўғлимисан. Отанг бундай эмасди-ку. Чаққон-чаққон ҳаракат қилсанг-чи!”. Ёшлар ҳаёт сабоғини олади, тарбия мактабини кўради бундай сайилларда.

Булар мингйиллик аънавлар. Мустақиллик йиллари халқимиз томонидан янги-янги эзгу аънавлар ҳам жорий қилинапти. Масалан, бизнинг қишлоғимизда ҳар йили Наврўз сайлида ўтган бир йил давомида тушган янги келинларнинг келинсалом маросими уюштирилади. Шундан сўнг улар ўртасида пазандлик, рўзгор юмушлари, бади-

АХИР БУГУН НАВРЎЗ, ДЎСТГИНАМ!

нинг бир неча кунлик меҳнатини талаб қилади. Шунинг учун ҳам у ширин бўлади. Кўни-кўшиларни, қариндош-уруғлар, маҳалладошлар, ҳамқишлоқларни бирлаштиради сумалак сайли. Ёшлар ва катталарнинг бирдек жам бўлиб меҳнат қилиши улар ўртасидаги меҳрни мустаҳкамлайди.

Сезаяспсанми, шу кунларда эрталаб ўйқудан туришинг аввалгилардан кўра қийинроқ кечапти. Баҳор бошида ўзи шундай бўлади. “Илик узилди” дейди кексаларимиз бу даврни. Киш охири, кўкларнинг бошларида инсон организмиде турли витаминларга эҳтиёж янада ошади. Сумалакда, яна кўкларда чиқадиган исмолко, яллиғ ва бошқа бир қанча кўкатларда шу эҳтиёжмизни қоплайдиган дармондорилар бўлади. Ёзда эса, бошқа мевачевалар пишади, кузда яна бошқалари, хуллас у пайти сумалакка эҳтиёж бўлмайди. Табиати тушунсанг, уям сени қуруқ қўймайди, болам.

НАВРЎЗ БИР КУНЛИК ЭМАС

Аслида бойчечак очилиши, кейин бодомнинг, ўрикнинг гуллаши баҳордан, Наврўздан дарак. Одамлар ҳам шунга қараб байрамга чоғланадилар. Сумалак учун бугунди ундириш байрамга ҳозирлик кўришининг илк қадамидир.

Мана, ўзинг ҳам мактабингда Наврўз арафасида бўладиган варрак сайлига тайёрланишни бошлаб юборганингда неча кун бўлади. Ўзингча режалар тузаяспсан, шеърлар ёдлаяспсан. Байрам шуниси билан қизиқ-да!

Халқимиз ҳам Йилбошига тарадудини анча олдин бошлайди. Ҳашар уюштирилиб, ҳовлилар, кўчаю хибонлар, қабристонлар тозаланади. Кўчатлар ўтказилади. Наврўз чиройли байрам. Шунга яраша ҳамма жойининг чиройли бўлишини талаб қилади-да!

Бу эзгу ният каттаю кичик барчани бирлаштиради. Сенга ўхшаган болакайларини меҳнат қилишига, бир-бирига ёрдам беришга ўргатади. Ана, анаву амакиннга қара, ҳовли-

“Ўғлимга мактублар” туркумидан



НАВРЎЗ СПОРТ БАЙРАМИ ҲАМДИР

Манави “Сергели” болалар спорт мажмуаси, биласан-а. Э, анави қоляскадаги ширингина болакайга қара. Хали юришни билмайдию, кўча айланиб завқланишни, дарахтлару кўклардан қараб ҳайратланишни билади. У менга қишлоғимиздаги бир болани эслатиб юборди.

Уни сенам танийсан. Наврўз — Тож бононинг энг кенжа невараси. Болалигидан жуда зийрак бола эди. Ҳозир катта йигит бўлиб қолган. Кўп нарсаларга қизиқади. Адашмасам, ҳозир Самарқанддаги санъат коллежида ўқияпти. Актёр бўламан дейди.

Қишлоғимизда беш-олти чоғли Наврўз бор-ов. Ҳаммаси Йилбошида туғилган. Ҳаракатчан, меҳнатқаш болалар. Кун билан тун тенг келган паллада туғилган-да, ҳаммани тенг кўрадиган одобли, муомаласи йиғитлар. Бундаям бир ҳикмат бўлса керак.

Яна бир Наврўз деган бола ёшлугидан жуда чайир бўлиб, яхши олишарди. Йилга миллий курашнинг фақат шундай сайилларда, тўйларда одамларнинг эсига тушарди. Шу Наврўз амакиннг тенгқурлари туғул, ўзидан икки-уч ёш катта болаларни ҳам илиб отарди. Шарт-шароит, эътибор бўлмаганилиги учун шундай истеъдодли йигит ўзининг билагидеги куч-қувватини, салоҳиятини кенг майдонларда, катта-катта мусобақаларда намойиш эта олмади. Ҳозир бўлса миллий курашимиз билан африкаликлару америкаликлар

лар спорт мажмуаларидаги машғулотлар, қолаверса Наврўз сайлидаги мусобақалар ҳам тоблаяпти.

ЎЗГАРАЁТГАН МАМЛАКАТ, ЎЗГАРАЁТГАН ШАҲАР

Энди шахримиз марказига йўл оламиз.

Тунов кун қизиқ бўлди. Хоразмлик Санъат деган қордошимиз кўнғироқ қилиб қолди. Ҳазорасп санаот касб-хунар коллежида директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари бўлиб ишлаётган экан. Малака оширишга келибди. Ишқонангизга бораман, дийдорлашайлик, деди.

Тошкентга бундан аввал беш-олти йил илгари келган Санъат оға метронинг Мустақиллик майдони бекатидан чиқиб, қай томонга юришни билмай гангиз қолибди. Кўнғироқ қилган эди, қимирламай туринг, ўзим бораман, дедим.

Дўстимиз ҳайратини аширолмади: “Тошкент дим ўзгармади, чиройли бўлиб гетибди-ку!”

Бундай эътирофини хорижликлар ҳам айтишапти. Хув анави чиройли ва салобатли бинога қара. Бу — Симпозиумлар саройи ва Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона жойлашган Маърифат маркази. Бу ерда яқинда халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда катнашган чет эллик меҳмонлар мамлакатимизда рўй бераётган туз ўзгаришларга юксак баҳо беришди. Ўзбекистонимизнинг салоҳиятини тан олишди. Ўзгаришлар фақат шундай янги бинолар



ҲАЁТ САБОФИ, ТАРБИЯ МАКТАБИ

Махсус кийимдаги кишиларни кўраяспсанми? Улар ободонлаштириш бошқармаси ишчи-хизматчилари. Шаҳримизнинг кўркам, обод бўлиши учун елиб-юғурадиганлар шулар. Эртага, индин эса, ҳаммамиз хашарга чиқамиз, биласан-а.

Мана, Алишер Навоий номидаги Миллий боғимизга ҳам келдик. Асосий Наврўз тантаналари шу ерда бўлади.

Биласанми, юртимизнинг исталган вилояти, туманига борсанг, девярли ҳар бир қишлоқда Сайилтепа деган жой бўлади. Йилбоши, дарвешона тadbирлари, кейин Наврўз сайли шундай сайилтепа, сайилжой, сайилгоҳ деб номланган жойларда бўлади. Қишлоғимиз сайилтепаси ҳам бир томони дашт, бир томони қириқларга туташган. Дарвешона, Йилбоши ҳар йили шу ерда ўтказилади: бир томонда сумалак, халим, ош, яна турли хил таомлар пиширилган, бир томонда кураш, кўпкари, арқон тортиш, футбол ва яна бошқа спорт мусобақалари бўлаётган, ёшлар хизматда, кексалар иззатда. “Мард йигитнинг аслин билай десангиз, маъракада ўтириб туришин кўринг”, деб ёзган қардош туркман элининг улуг шоири Махтумқули. Ёш йигит-яланғлар маъракада эл хизматида бўлишни, билсанг, энг биринчи мана шундай сайилларда ўрганади. Нуроний отахонлар ёшларнинг юриштириши, ўзини тутиши, муомаласига қараб баҳо беришади: “Фалончи жуда яхши одам эди-

ий чиқишлардан иборат шартлар бўйича ўзига хос мусобақа ўтказилади. Бунинг ҳам ўзига хос тарбиявий аҳамияти бор, ҳикмати бор.

НАВРЎЗ ШЕЪРИ

Секинлашиб қолдинг, ҳа, чарчадингми? Куёшни қара, қандай қулиб қараяпти бизга. Булутлар ҳам чиройли безаниб олибди-я. Ҳай, майли, уйга қайта қоламиз. Бугунча етар. Хали қўшни момодан бир ҳабар олишимиз керак, бир ўзи яшайди. Қишлоқдаги қариндошларга ҳам кўнғироқ қилиб қўйсақ, ёмон бўлмайди.

Ҳасан амакиннинг бундан йигирма йилча илгари, кўклар байрамимиз энди қайта тикланган йиллари ёзган бир шеъри бор. Айтиб берайми, шу билан уйимизга ҳам етиб оламиз. Наврўз ҳақида хали яна кўп гаплар бор. Уйда беамалол гурунглашаверамиз. Шеърни эшит:

*Ўйлагим келмайди ёмонлар ҳақида,
Сўйлагим келмайди ҳазонлар ҳақида,
Куйлагим келмайди армонлар ҳақида,
Ахир бугун Наврўз, дўстгинам.*

*Ўтмишга дўнар қиш, боқши паришон,
Сувларда не ташвиш, оқиши паришон,
Ёмғир кўз ёшмини дилпарча ошиқнинг,
Чечакка марварид тақийши паришон.*

*Қоқигул сарғар, дилда доғи бор,
Бойчечак жилмаяр, болалик беғубор,
Не қилса арзийди ишбу кун гул-чечак,
Уники шу тупроқ, уники шу баҳор.*

*Қай кўнгил кўшида тож-тағли бўлармиз,
Ундан сўнг ўлгунча то ахли бўлармиз.
Эртага... эртага биз бахтли бўлармиз,
Ахир бугун Наврўз, дўстгинам!*

Хусан КАРВОНЛИ



Yangiliklarda Yurt nafasi

❖ Кибрай туманидаги Байтқўрғон иқтисодий ва маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.

Туман ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» жамоат фонднинг туман бўлими, халқ таълими, ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур ярмаркада қирқдан ортиқ корхона ва ташкилот беш юзга яқин бўш иш ўринлари билан катнашди.

Мазкур коллежни жорий йил 300 нафар йигит-қиз 11 йўналиш бўйича битиради. Айни пайтгача уларнинг аксарияти ишга жойлашиш бўйича уш томонлама шартнома тузган. Ярмаркада 36 нафар битирувчи коллежни тамомлагандан сўнг иш бошлаш учун тегишли корхона ва ташкилотлар билан шартнома имзолади.

Юқори Чирчиқ туманидаги транспорт ва иқтисодий касб-хунар коллежида бўлиб ўтган ана шундай меҳнат ярмаркасида ҳам юз нафардан ортиқ битирувчи ўз мутахассислиги бўйича ишга кириш учун йўлланма олди.

❖ Андижон шаҳридаги Бахт уйида вилоят хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Асл либослар» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Унда танловнинг туман ва шаҳар босқичларида голиб бўлган модельер-дизайнерлар энг яхши коллекциялари билан иштирок этди.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурига мувофиқ, хунарманд ва тадбиркор хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган мазкур танловда намойиш қилинган либослар замонавийлик ва миллийликнинг уйғунлашгани, тақинчоқ ва аксессуарларнинг матолар рангига мослиги билан барчанинг эътиборини тортди. Айниқса, атлас, либос, беқасам сингари матолардан тикилган миллий либосларимизнинг кўркам ва ўзига хослиги, гўзал қизларимизга янада лаптофат бағишлаганлиги эътибор этилди.

Андижон шаҳри, Қўрғонтепа, Балиқчи, Пахтаобод туманларидаги модалар уйларининг модельер-дизайнерлари томонидан тайёрланган либослар мутахассис ва меҳмонларда катта таассурот қолдириди.

Танлов якунида бир қатор номинациялар бўйича голиблар аниқланиб, улар ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

❖ Тошкентда «Атроф-муҳитни қўриқлаш ва иқлим ўзгариши. Фуқароларда экологик онгни шакллантиришда екожурналистиканинг аҳамияти» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва Германиянинг Конрад Аденауэр номидаги жамғармасининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси томонидан Ўзбекистон Экологик ҳаракати ҳамда Оролни қўқариш халқаро жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Анжуманда мамлакатимиз парламенти аъзолари, Ўзбекистон ва Германиядан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаси мутахассислари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Давра суҳбатида бугун инсоният аҳоли саломатлиги ва экотизим барқарорлигига, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга салбий таъсир кўрсатаётган бир қатор жиддий экологик муаммоларга дуч келаятгани қайд этилди.

❖ Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўرғазмалар залида халқ амалий санъати усталари иходий ишларининг «Наврўз — 2012» кўрғазмаси ташкил этилди.

Мамлакатимизда халқ амалий санъати ва миллий хунармандчилики раванқ топтириш, унутилаёзган мактаб ва йўналишларни тиклаш, «устоз-шоғирд» анъанасининг бардавомлигини таъминлаш бўйича кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда узоқ йиллардан буён ота-боболар касбини ардоқлаб келган, ўз йўналишида мактаб яратган моҳир усталар, таниқли сулола вакиллари иходини ўрганиш, уларнинг маънавий меросидан ёшларни бахраманд этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кўрғазмада Ўзбек халқ амалий санъатининг ифтихорига айланган уста-хунармандлар томонидан тайёрланган иход намуналари томошабинлар эътиборига ҳавола этилган. Машҳур чигтар Абдураҳмон Абдуғофуров, мусяқа асбоблари устаси Усмон Зуфаров, моҳир ганчкор Тошўлат Арслонқулов сингари кўплаб номдор хунармандлар томонидан ишланган буюмлар шулар жумласидандир. Мамлакатимиздаги етакчи музейларда сақланаётган мазкур асарлар жаҳондаги нуфузли кўрғазмаларда ҳам намойиш этилган.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.

ОН-ЛАЙН МУЛОҚОТ

«Мустаҳкам оила йили» давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ташкил этилган янги — «Камолот» да меҳмонда» он-лайн мега-лоийҳаси замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ҳаётга қолма қолма ёшларни тўғри йўналтириш, уларнинг онгини зарарли ва ёт ғоялардан ҳимоялаш мақсадини қамраб олади. 7 ҳафта мобайнида ўтказиладиган он-лайн мулоқотда оила саломатлиги, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, жамиятимизнинг маънавий негизларини янада ривожлантириш, азалий миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш, бизга ёт бўлган ва қучайиб бораёт-

ган турли хил зарарли таъсирларга қарши туришда оиланинг ўрни ва аҳамиятини ошириш, жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбия-

нинг барча ҳудудлардаги фаол етакчилари ва аъзолари, Марказий Кенгаш веб-саҳифасида рўйхатдан ўтган ёшлар уларини қизиқтирган саволлар билан муножот қилдилар, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Феруза Муҳаммадзонова. — Мулоқот «Замонавий уй бекасининг фарзанд камолидаги ўрни», «Устоз-мураббий — иккинчи она мисолида», «Мактабга таълим муассасаси — келажак бешити», «Болада иқтидор кўникмаларини шакллантиришда оналик заҳминининг аҳамияти» мавзулари доирасида кечди. Он-лайн мулоқотлари давом этади.

Yangilik

лашда оиланинг ролини қучайтириш каби мавзуларга эътибор қаратилади.

— Ўзбекистон халқ артистлари Тўти Юсупова, Гулчехра Жамилова ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Дилором Эгамбердиевалар билан кечган «Баркамол авлодни тарбиялашда аёлларнинг ўрни» мавзусидаги илк он-лайн мулоқотда юртимизнинг турли ҳудудларида, шаҳар ва қишлоқларида истиқомат қилаётган икки мингдан зиёд хотин-қизлар, ҳаракат-

Дилшод КАРИМОВ, «Ma'rifat» мухбири

ЯНГИЕРДА «ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР ОЙЛИГИ»

Янгиер шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими шаҳар хотин-қизлар кенгаши, прокуратура, ИИБ, вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Камолот» ЁИХнинг шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда «Тарбиявий ишлар ойлиги»ни ўтказди. Бир ой давомида шаҳардаги барча мактабларда «Очик дарслар» ташкил этилди.

«Мустаҳкам оила йили» давлат дастури доирасида ўтказилган комплекс тадбирларда «Ҳаёт — энг буюк нъмат» мавзусида кўрик-танлов, «Болага дўстона муносабат» мавзусида семинар-тренинг, «Ўқитувчи ўқувчи нигоҳида», «Мактаб ота-оналар нигоҳида» сўровномалари ташкил этилди.

Шаҳардаги 6-мактабда ойлик якунига бағишлаб «Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш» мавзусида тадбир ўтказилди.

— Ўтказилаётган «Очик дарс», семинар, ижодий кўрғазмаларда ўқувчиларга ҳуқуқбузарликларнинг оқибатлари ҳаётий мисоллар билан тушунирилмоқда. Бу эса уларни фақат эзгу ишларга, бунёдкорлик ғоялари билан яшашга ундамоқда, — дейди шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ММИБ шўба мудир Шоира Асланова.

Бойжигит АБДУЛЛАЕВ

Сирдарё вилояти

«КАДАТА» ТИЗИМИ АСОСИДА

Президентимизнинг «2011—2015 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари асосида ахборот кутубхона ва ахборот-ресурс марказларини янада сифатли ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида Навоий вилояти ахборот-ресурс марказида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Навоий шаҳридаги 16-мактабда ташкил қилинган ахборот-ресурс марказида биб-

лиографик ахборотни ташкил этиш ва узатишнинг халқаро талабларига асосланган «Када-та» тизимини жорий этиш жа-

даги 31та ахборот-ресурс маркази раҳбар ходимлари иштирок этди. Бу тизим бўйича қўрилган ишлар юзасидан АРМ раҳбарлари йиғилганларга ҳисобот берди. Мутахассислар икки гуруҳга бўлиниб, савол-жавоб тренинг машғулотини ўтказиш жараёнида тажриба алмашдилар.

К.ХАЛИЛОВ, Навоий вилояти ахборот-ресурс маркази раҳбари

МУМТОЗ АДАБИЁТНИ ЎҚИТИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Тошкент давлат аграр университети қошидаги Кибрай академик лицейида «Адабиёт дарсларида мумтоз асарларни ўқитишнинг аҳамияти» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Унда адабиётшунос олимлар, она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари ва ўқувчилар қатнашдилар.

Тадбирда ўқувчи-ёшларни мумтоз асарлар билан ошно этиш, асарлардаги ижодий образларнинг ахлоқий фазилатларини улар онгига синдириш муҳим аҳамиятга эга оқалиги алоҳида таъкидланди.

— Ушбу тадбирда олимлар ва ҳамкасбларимиздан кўп тажрибаларни ўргандик, — деди лицейнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Зулфия Абдураҳмонова. — Ўқувчиларга мумтоз адабий асарлар бўйича олиб бориладиган сабоқларни бугунги билдирилган фикрлар асосида ташкил этишга ҳаракат қиламиз.

Семинар-тренингда илгор тажрибали ўқитувчиларнинг маърузалари тингланди. Ўқувчилар томонидан саҳна асарларидан парчалар намойиш этилди.

МУХБИРИМИЗ

АКТНИНГ ЯНА БИР ИМКОНИЯТИ

ЎҚИТУВЧИГА КЎМАККА ЧОҒЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Кунни кеча марказда хорижий ҳамкорлар иштирокида ушбу мультимедиа студияси ва сервер майдончасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Темир Ширinov иштирок этиб, Юртбошимиз томонидан таълим тизимига қаратилган юксак эътибор ва ғамхўрлик, ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятли бўлиб вояга етишини таъминлаш борасида олиб борилган кенг кўламли ислохотлар натижалари хусусида тўхтади.

Маросимда Корея телеком корпорацияси («KT Corporation») вице-президенти Хан Донг Хун, директор Йи Кивон, Глобал ҳамкорлик ва тадқиқотлар маркази директори Панг Дженни хоним, лойиҳа менежери Ли Син Хун, бош тадқиқотчи Ким Мин, Жанубий Кореянинг мамлакатимиздаги факултета ва мухтор элчиси Чон Дэ Ван ҳамда Таълим ва тадқиқот ахборот хизмати вакиллари қатнашишди.

Айтиш жоизки, марказда шу кунгача минглаб ресурслар яратилган бўлиб, етти тилдаги 700дан зиёд дарсликлар, виртуал лабораториялар, аудио ва видео-машгулотларнинг электрон нусхалари яратилиб, бугунги кунда вазирлик сайтига қулай форматда жойлаштирилган. Бундан ташқари, масофавий таълим тизимида Ўзбек ва рус тилида курслар ташкил этилиб, автоматлаштирилган «bitiruvchi.uzedu.uz» дастури ҳам тақомиллаштирилди. Мактаб ўқитувчилари бу имконият-

лардан оқилона фойдаланиши учун тажриба орттириш мақсадида 2467та таянч мактаблари танлаб олинган аҳамиятлидир. Бу борадаги амалий ишларнинг дастлабки босқичларида 2500 нафарга яқин мураббийлар малакаси оширилди.

Айни пайтда ишга тушган Мультимедиа студиясида электрон ахборот-таълим ресурсларини тасвирга олиш, амалиёт дарсларини, лаборатория машгулотларини аудио ва видеотасмаларга ёзиш, суратга олинган материаллар ҳамда электрон дастурларни монтаж қилиш ишлари бажарилади. Студия замонавий техник жиҳозлар билан таъминланган бўлиб, унинг апарат бўлимида энг сўнгги русумдаги компьютер ва махсус қурилмалар билан таъминланган монтаж столи мавжуд. У экранлардаги видеотасвирларни бирдан иккинчисига ўтказувчи Video switch, овозни назорат қилувчи Audio mixer ҳам борлиги электрон ресурсларни юқори сифатда тайёрлаш имконини беради. Бу ерда ўқувчиларга қизиқ ва ташунарли бўлган ижодий мuloqотлар, фан мавзулари доирасида давра суҳбатлари ёзиб олинган, компакт диск орқали дарс жараёнларида фойдаланиш учун тасвирга олинган. Қолаверса, студияда билимни, тажрибани педагогларнинг дарс ўтиш методикаси ҳамда лаборатория машгулотларини ташкил этиш маҳорати асосида видеодарслар махсус ёзиб олинади. Муҳими, бундай электрон ресурслар дарс жараёнининг қизиқарли ва мазмунли ўтишини

таъминлаш билан бирга, ёшларнинг ўз устида ишлашига ҳам имкон беради. Бугун электрон ресурслардан фойдаланиш икки хил йўналишда тингловчилар эътиборига ҳавола этилмоқда. Яъни, ўқувчиларнинг мустақил равишда фан мавзуларини ўзлаштириши, аниқ фанлардан анимация орқали ўзлари лаборатория ишини амалга ошириши мумкин ёки муаллим ёрдамида, айнан дарс жараёнида видео, аудиолавларда акс эттирилган вариант билан ишлаш имкони бор.

— Мазкур студияда физика фани бўйича амалиёт дарсларини ҳамкорликда тасвирга туширдик, — дейди Юнусобод туманидаги 12-мактаб ўқитувчиси Марям Собирова. — Беш йилдан буюн маркаб билан биргаликда ишланмалар яратиш келаялмиш. Яқинда 7-синф ўқувчилари учун бешта виртуал лаборатория ишини ташкил этдик. Шунингдек, 8-синф учун «Электр токининг иши», 6-синф учун «Еруғликнинг тезлиги, синиши ва қайтиши» мавзусида дарс машғулот ишлаб чиқилди. Бу каби сабъ-ҳаракатлар ўқувчи-ёшларимиз учун ҳам қулайлик туғдиримоқда. Эндликда бу каби ижодий ишларни янги ишга туширилган студияда янада сифатли тайёрлаш имконияти турилган бўлса, электрон тармоқнинг асл нусхалари ва захира электрон маълумотлар базаси сервер майдончада сақланади. Бунда вазирлик ва ташкилотлар, мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактабларининг сайтлари, уму-



мий корпоратив ижро назорати маълумотлари, дискларнинг асосий электрон нусхалари ўрин олган. Бир сўз билан айтганда, сервер майдончада бажарилган ишларнинг техник таъминоти ва ахборот хавфсизлиги чоралари кўрилиши кўзда тутилган. Марказнинг «Multimedia.uz» сайти «Миллий ЎЗ домени-2011» интернет-фестивалида муваффақият қозонишида ҳам ушбу объектларнинг аҳамияти катта бўлди.

— 15 нафар мутахассисларимиз Сеулдаги тренинг курсларида малака ошириб келишди, — дейди Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази директори Шарифжон Эргашев. — Шундан сўнг Халқ таълими вазирлигининг буйруғи асосида мутахассислар ёрдамида ўқув масканларида педагоглар учун «Компьютер саводхонлиги», «Дарс жараёнида АКТдан фойдаланиш», «Умумтаълим фанлари бўйича мультимедиа иловаларини ишлаб чиқиш

методологияси» мавзулари бўйича уч босқичли семинар-тренинг уюштирилди. Ушбу тадбирда 60 мингдан зиёд фан ўқитувчилари қамраб олинди.

Бугунги кунда долзарб масалалардан бири мактаб битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичларига қамраб олишдир. Бу борада марказда «Умумтаълим мактаблари 9-синф ўқувчилари ҳужжатларини академик лицей ва касб-хунар коллежларига қабул қилишни автоматлаштириш» лойиҳаси ишлаб чиқилди. Шунингдек, ҳар йили ўтказиладиган «Билимлар беллашуви»га оид мониторинг натижалари ва шу каби тадбирларни компьютерлаштириш мақсадида махсус электрон дастур ҳам яратилди. Ҳозир марказ мутахассислари хорижий экспертлар билан биргаликда таълим соҳаси ривожига хизмат қиладиган янги дастурлар устида изланишмоқда.

Шоира БОЙМУРОДОВА
В.ГРАНКИН
олган суратлар.

Юнусобод туманидаги 17-умумтаълим мактабида «Кучли ва интеллектуал салоҳиятли ёш авлодни тарбиялашда педагогнинг роли» мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди. Унда пойтахтимиздаги умумтаълим муассасаларининг ёш педагоглари билан биргаликда Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси методистлари, мактаб директорлари ва илғор тажрибали ўқитувчилар иштирок этди. Семинарда таълим тизимида жорий этилган «Устоз-шогирд мактаби» фаолиятини ривожлантириш, олий ўқув юрларини эндигина тамомлаб, ўқувчи ёшларга сабоқ бера бошлаган ёш ўқитувчиларга методик ёрдам кўрсатиш, уларни соҳага оид янгиликлар билан таништириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

— Ушбу тадбирни ўтказишдан асосий мақсад сўнгги йилларда таълим тизимида яратилган ислохотлар, юзга келаялган замонавий методлардан йигилганларни бохабар қилиш, илғор ёш педагогларни аниқлаш, шунингдек, «Устоз-шогирд мактаби» ҳамда «Ёш педагоглар мактаби» ҳамкорлигини янада

ЁШ ПЕДАГОГЛАР ЭЪТИБОРДА

тақомиллаштиришдан иборат, — «Ёш педагоглар мактаби» раҳбари лейди Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси методисти, — Бугунги кунда пойтахтимиздаги умумтаълим



мактабларида фанлар кесимида 282 нафар устоз, 846 нафар шогирд ўқитувчи фаолият юритида. Шулардан 205 нафар устознинг 97 нафар биринчи шогирди устоз даражасига кўтарилди. «Ёш педагоглар мактаби»да эса ҳозирда 800 нафарга яқин ёш мутахассис-ўқитувчи фаолият юритмоқда.

Дастлаб, семинарнинг ялпи мажлисида «Юксак билимли ва интеллектуал салоҳиятга эга ёшларни тарбиялаш замон талаби», «Таълим сифатини оширишда «Устоз-шогирд мактаби» фаолиятининг ўрни», «Ўқитувчи ва ота-она муносабатининг ўқувчи психологиясига таъсири» мавзуларида мутахассисларнинг маърузалари тингланди.

Шундан сўнг семинар фанлар доирасида шўъба йигилишларида давом этди. Семинар якунида «Ҳамиша эл ардоғидасиз, азиз устозлар!» мусиқий дастурига ўрин берилди. Ижодкор ва ташаббускор устоз ўқитувчилар шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Ғолиб БАҲРОМОВ
Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

Муҳтарам юртдошлар, азиз ўқитувчи ва мураббийлар!

Барчангизни **Наврўз айёми** билан қутлаймиз!

«Наврўз» байрами Сизга, оила аъзоларингиз ва барча яқинларингизга муборак бўлсин! Хонадонларингиз обод бўлиб, баҳор ва байрам кайфияти Сизни ҳеч қачон тарк этмасин!

Мамлакатимиз таълим тизимида фидокорона меҳнат қилаётган устоз ва мураббийларга юртимиз истиқболни белгилайдиган баркамол авлодни тарбиялаш, етук кадрларни тайёрлаш жараёнида янги-янги зафарлар тилаймиз.

Халқимизнинг миллий урф-одатлари мужассамлашган, жамики эзгуликлар элчиси — Наврўзнинг қадами қутлуғ бўлсин.



ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

жамоаси

барча юртдошларимизни
Наврўз умумхалқ байрами
билан самимий қутлайди!

Жонажон Ватанимизда
истиқомат қилаётган
барча миллат ва
элаларга энг
эзгу тилакларимизни
йўллаймиз.



АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН АЗИЗЛАР!



«MATBUOT
TARQATUVCHI»
aksiyadorlik kompaniyasi

жамоаси барча
юртдошларимизни,
мамлакатимизга ташриф
буюрган меҳмонлар ва
сайёҳларни, Ўзбекистон
Республикаси оммавий
ахборот воситалари
ходимларини гўзаллик
ва нафосат тимсоли,
баҳор даракчиси,
табиатнинг уйғониш
фасли дебочаси

Наврўз

умумхалқ байрами

билан муборакбод
этади!



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАҚТЛИ МАТБУОТ НАШРЛАРИГА ОБУНА БЎЛИНГ!

УСТОЗ-ШОГИРДЛИК — АСРИЙ АНЪАНА

Шарқ алломалари шогирд танлашда ундаги истеъдод, заковат, ирода, билим, кўникма каби хислатларни инобатга олганлар. Шогирдларнинг кузатувчанлиги, ўзига нисбатан талабчанлигига ҳам катта аҳамият берилган. Ибн Сино, Баҳовуддин Нақшбанд, Хусайн Воиз Кошифий, Мирзо Улуғбек каби алломалар устоз-шогирдлик муносабатларига алоҳида тўхталиб, улар ўртасида манманлик, такаббурлик ва худбинлик бўлмаслиги кераклигини алоҳида таъкидлаганлар. Бугун ана шу асрий қадриятларимизни тиклашга, устоз-шогирдлик аъналарини давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу эзгу мақсад йўлидаги ижобий ишларни янада кенгайтириш, бу борада мактаб, академик лицей ва касб-хўнара коллежлари ўқитувчилари фаолигини ошириш учун Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси марказий кенгаши, Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Бухоро вилоят кенгаши, вилоят ҳокимлиги ўрта махсус, касб-хўнара таълими бошқармаси ва Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техника институти ташаббуси билан вилоят касба уюшмалари таш-

килотлари бирлашмасининг катта залида "Устоз-шогирд аънаси — улуг қадрият" мавзuida илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда уч юздан ортиқ устоз ва шогирдлар қатнашди. Йиғилишда олий ва ўрта махсус, касб-хўнара таълими муассасалари орасидаги ҳамкорликни ривожлантириш орқали "Устоз-шогирд" тизими ва унинг бошқарув механизмини такомиллаштириш, халқ таълимида шу йўналишда олиб борилган ишлар, мазкур мактаб фаолиятини ривожлантиришда шарқона аъналарга таяниш зарурлиги ва касб-хўнара коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, иш берувчи корхона ва ташкилотларда бу борада эришяётган ютуқлар ҳақида тўлиқ маълумот берилди.

Konferensiya

Шу ўқув йилида республика миқёсида 516 мингдан ортиқ йигит-қиз академик лицей ва касб-хўнара коллежларини тугатади. Марказий кенгаш томонидан ўрта махсус касб-хўнара таълими муассасаларида "Устоз-шогирд" мактаблари фаолиятини йўлга қўйиш борасида мониторинг олиб борилмоқда. Айна дамда 363 мингдан ортиқ ўқувчи ишлаб чиқариш амалиётини 3 минг 485 корхона ва ташкilotда ўташ имкониятига эга бўляпти; 175 минг 925 битирувчининг бўлажак иш жойи ва устози ҳозирданок маълум. Аҳолининг бандлиги, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш масаласи аҳоли турмуш шароитларининг яшиланиши учун муҳим омил саналади. Шу ўринда тармоқ касба уюшмаси маблағлари ҳисобидан ўтган йили 8 корхонада 19 янги иш ўрни яратилган бўлса, 2012 йили бу кўрсаткич 6бтага кўпайди. 16 минг 322 корхонада ўтган йили академик лицей, касб-хўнара коллежларини тугатган 42 минг 185 йигит-қиз муқим иш ўрнига эга бўлди.

— Ҳозирги замон тарбиячи-устозлардан ўз-ўзини тарбиялаш, интеллектуал салоҳиятни ошириб бориш, ўз касбини чин дилдан севиб, масъулият билан ёндашишни талаб этади, — дейди биз билан суҳбатда Бухоро давлат университетининг тадқиқотчи-изланувчиси Отабек Қаҳҳоров. — "Устоз-шогирд" тизimini ривожлантириш мақсадида институтларда Ёшлар академияси фаолиятини кенгайтиришга алоҳида аҳамият берилаяпти. Талабаларнинг касбга бўлган қизиқишини ошириш мақсадида уларни дарсдан кейинги тўғарак машғулотларига жалб этиб, ўз истеъдодларини намойён қилишлариға ёрдам кўрсатилмоқда. Бугун олий ўқув юрталари, академик лицей ва касб-хўнара коллежлари ўртасида яқин ҳамкор-

лик алоқалари ўрнатилганини эътироф этиш жоиз. 400га яқин профессор-ўқитувчи ўрта махсус, касб-хўнара таълими муассасаларида соатбай асосида ишга жалб қилинди. "Устоз-шогирд" мактаби аъналарини давом эттириш ҳамда унинг бошқарув механизмини янада такомиллаштиришда ушбу ҳамкорлик алоқалари кўл келаяпти. 2005 йили 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-хўнара коллежларига жалб қилиш атиги ўн фоизни ташкил этган бўлса, 2011/2012 ўқув йилида бу кўрсаткич 100 фоизга кўтарилди. Айна дамда битирувчиларнинг аксарият қисми иш билан таъминланмоқда. Бу каби ютуқлар қилинган ижобий ишлар самарасидир.

Икки кунлик тадбир давомида Бухоро шаҳридаги "Фароғат" ресторанида Наврўз умумхалқ байрами арафасида халқ таълими ва касб-хўнара таълими тизимида узоқ йиллардан бери меҳнат қилиб келаяётган ўқитувчиларга байрам уюштирилди. Унда етти йўналиш бўйича "Устоз-шогирд" мактабининг фаол аъзолари ўз эришган ютуқларини намойиш этдилар.

— Мен уч йил давомида ресторан ва сервис хизмати йўналишида таълим олдим, — дейди Бухоро туризм коллежи битирувчиси Нўъмонжон Олимов. — Илм даргоҳидаги устозим Мақсуд Тожибоевдан миллий ва хорижий ошхона хизмати бўйича билимларни эгаллашга интилдим...

— Феруза Примова менинг энг яхши шогирдларимдан бири, — дейди мамнуният билан Бухоро енгил санат касб-хўнара коллежининг тикувчилик фани ўқитувчиси Мадина Ҳасанова ўқувчисининг ютуқларидан қувониб. — Модельер-дизайнерлик йўналишида таълим олган шогирдим миллий ва замонавий либослар тикиш, безак бериш ва уларнинг эскизини яратиш бўйича анча ютуқларни қўлга киритган. Бу иқтидорли талабамизни ўқув юртимизнинг ўзида ишга қолдириш ниятидамиз. У энди коллежнинг тикувчилик устахонасида буюртма либослар тайёрлашда бизга яқиндан ёрдам беради...

Сора ТОШЕВА, «Ma'rifat» мухбири



Суратда: Бухоро туризм коллежи махсус фан ўқитувчиси Мақсуд Тожибоев битирувчи Нўъмонжон Олимов билан.

ҲАШАР — МЕҲР-ОҚИБАТ ВА САҲОВАТ ТАДБИРИ

Диёримизда кўклам, ҳамма ёқ кўркам. Қалбларда баҳор нафаси ва сурури! Қанчалик орзиқиб қутилган лаҳзалар...

Наврўз байрами арафасида ҳашар ўтказиш қадим-қадимдан бор. Ҳашар бугун ёки кеча, боринги, ўтган асрда пайдо бўлиб қолган эмас. Унинг тарихий илдизлари олис ўтмишга бориб тақалади. Ҳазрат Навоий асарларида ободончилик, бунёдкорлик гоёларининг илгари сурилгани аждодларимиз ҳам яратиш, бунёд этишдек эзгу амални ўз ҳаётини мазмунига сингдиришганини кўрсатади.

Ўзбекистон мустақиллиги йилларида эса ҳашар ўзгача жозибаси ва аҳамияти билан намойён бўла бошлади. Чунки юрт ишқи, уни хавфу хатардан асраш, ҳимоялаш, ривожлантириш тўғриси ҳар бир фуқарода шаклланди ва бу қувоннарли ҳолдир. Ҳашар кунлари мамлакатимизнинг барча вилоятларида, туман марказларида, қишлоқ ва овулларда, маҳалларда, ташкилот, корхона ва муассасаларда бунёдкорлик нафаси кезади. Кўлида

белкурак, кетмон, супурги, ҳокандоз билан ҳашарга шайланаётган юртдошларимиз юзида юрт ишқи, уни обод қилиш ҳисси, яратиш завқи балқиб туради. Уларга ҳашарнинг ҳикмати, асл моҳиятини тарғиб-ташвиқ эғшигини асло ҳожати йўқ. Чунки ёши улуг отахону онахонлар, уларнинг ўрта ёшга мансуб ўғил-қизлари жуда кўп ҳашар кўришган, кўчат эккан, суғорган, дархат оқлаган, кўча ва гузарларни супуриб-сидирган, чанг-ғуборларни артган, гул экишнинг сир-асрорини улардан кўра яхши биладиганлар йўқ. Худди шу ҳаёт фалсафаси билан улар ўз фарзандларини, невараларини улғайтормоқда. Энделикда ўғил-қизлари, неварачеваралари умумхалқ тадбирига ҳисса қўша, ўзбек отахони, унинг ёнида юрган аёли хурсанд бўлиши, ақлаб, дуо қилиши аниқ. Демак, ҳашар авлоддан авлодга эзгуликнинг бир кўриниши сифатида узатляпти. Бу эзгулик боқий ва абадийдир.

Нима учун умумхалқ ҳашари, деб айтилиши ҳақида

ўйлаб кўрган киши бунинг жавобини қўйналмасдан топиши мумкин. Чунки ҳашарда кўпчиликнинг боши бирикади.

Уша қуни қайси мактаб, коллеж, лицей ёки олий ўқув юрти ҳовлисига назар ташламанг, жамоа бўлиб ишлаётган ўқувчи, талаба ёшларни кўрасиз. Бир ўқувчи тисмолида минглаб, миллионлаб фарзандларимизнинг саз-й-ҳаракати борлигини тасаввур қилиш кишига қанчалик завқ ва илҳом бағишлайди. Ахир, ўғил-қизларимизнинг ҳаракатларида юртни севиш, ардоқлаш, уни азиз билишдек ҳиссиёт сезилиб туради.

Халқ таълими вазирлигининг ахборот хизматидан берилган маълумотларга қараганда, мамлакатимиздаги мавжуд 9763та умумтаълим мактаби, 4978та мактабгача таълим муассасаси, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, 211та «Баркамол авлод» болалар марказида умумхалқ хайрия ҳашари уюшқоқлик билан, байрамона руҳда ўтказилади. Таълим даргоҳларидаги тозалаш, ободонлаштириш, кўка-

ламзорлаштириш жараёнига 416 мингдан зиёд педогог-мураббий, 4,5 миллиондан зиёд ўқувчи, 52 мингдан зиёд тарбиячи жалб қилинади.

Бугунги тонг ўзгача. Баҳор шабадаси қишдан орзиқиб чиққан кўнгилларга завқ улашмоқда. Ана, томнинг бўғотида мусича «ку-ку»лади, қиқсидир ҳовлида бинафшанинг бўйи таралаяпти. Фарғонанинг Сўх туманида ёхуд Сурхондарёнинг Бойсунда юзкўзини ажин қоплаган нуроний момолардан бири сумалак пишириш учун бугдўл майсани кўкартираётгандир. Элимизга Наврўзнинг қадим ранжиде этганлиги пиру бадавлат отахон ва онахонларимизнинг дуога қўл очганлиги ҳам сезилади. Муборак кунни умумхалқ ҳашари билан қарши олишининг гашти ҳам, завқи



ҳам нақадар бошқача! Зеро, Наврўз — меҳнат, покланиш, тикланиш, қўллаб-қувватлаш, меҳр-оқибат, саховат байрами. Бир-бирингизни ана шу муборак кун билан қўллаш учун ҳашарга отланинг!

Х.ТЎЙМАНОВА, «Ma'rifat» мухбири

ЭНГ ГАВЖУМ ВА ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚ ГЎША

Алижон аканинг хонадонидан байрам дастурхони ўзгача тузатилди. Дастурхонда мева-чевалару тансиқ таомлар билан бирга ширинликлар ҳам бисёр бўлди. Тортдан бир бўлагини олиб оғзига солган Алижон ака «Бай-бай, кўли гул қандолатчиларга гап йўқ-да, тортиман торт бўлибди» деб юборди. Дастурхон куйроғидан жой олган уй бекаси Дилфуза опа кулимсираб «Қандолатчи ўзимиздан, дадаси», деди кизи Уғилойга кўз қирини ташлаб.

— Қизингиз турли-туман ширинликлар тайёрлашни «Баркамол авлод» болалар марказида ўрганибди.

— Йўғ-ей. Демак, у ерда ўқитувчилар яхши нарсаларни ўргатишаркан-да. Барака топишсин. Илгарилари ким ўйларди, мактаб ўқувчиси бундай ширинликлар тайёрлай олади, деб...

Нишон туманида истиқомат қилаётган оддийгина бир уй соҳибига соҳибасининг дил сўзлари бу.

Хеч бир ота-она йўқки, фарзандининг муваффақиятларидан қувонмаса, улар эришаётган ютуқларга шерик

бўлмаса. Алижон акага аёли Дилфуза опа кизини тўғарақка беришини айтганда, аввалига унамаганда. Бугун эса кизи Уғилойга ҳам, бутун оила аъзоларига ҳам раҳмат айтмоқда, ёшлар учун яратилаётган шарт-шароитлардан

Мактабдан ташқари та'лим муассасаларида

миннатдор.

Ушбу марказ 2011 йил 16 сентябрда 18 йўналиш бўйича 30та гуруҳ билан иш бошлади. Бугунги кунда тўғарақларда 300 нафардан ортиқ мактаб ўқувчилари ўз қизиққан йўналишлари бўйича билимларини мустақамламоқда. Болаларга касб-хўнар сирларини ўргатишда Гўзал Шодмонова, Насиба Қўчарова, Салима Тураева, Саломат Турсунова, Отабек Хусанов каби малакали мутахассислар жонбозлик кўрсатишмоқда.

«Еш мусавирлар» тўғара-

қи аъзолари чизган суратларни кўриб хайратландик. Киши хавасини келтирадиган кийим-бош тикаётган ўқувчи-қизлар эса «Либослар дизайнери» тўғарақи аъзолари экан. Худди шунингдек, ёш тилшунос ва нотик,

рига жалб этади. Бола қобилиятини унинг қизиқишига қараб ривожлантириш зарур, — дейди туман «Баркамол авлод» болалар маркази директори Жаҳонгир Холмуродов. — Марказнинг асосий мақсад ва вазифаси ўқувчи-

юмшоқ ўйинчоқ, майда пластика, ёш қандолатчи, ёш ўлкашунос, гулчилик, сабзавотчилик, миллий фольклор, ёш эколог, фото ва кинохаваскор каби бир қатор тўғарақлар ҳам ишлаб турибди. Тўғарақларга туман марказидаги 1-, 2-, 3-, 5-, 7-, 13-мактаб ўқувчилари жалб этилган.

— Мактабдан қайтганда, бола нима билан шугулланади? Кўча чангитиб ёки ҳар хил бўлмағур ўйинлари билан машғул бўлиши мумкин. Айрим ота-оналар эса болани дарсдан сўнг уй ишла-

ларнинг дарсдан бўш вақтларини мазмунли ўтказиш билан бир қаторда, уларнинг иқтидорларини намоён этишди. Бола борки, у, албатта, бирор соҳага қизиқади. Биз унинг иқтидорини пайкаган ҳолда ўзи севган ва қизиққан соҳага йўналтира олишимиз керак. Дейлик, бир ўқувчи рақсга тушишни хоҳласа, бошқа бирови пазандаликка ва яна бошқаси эса расм чизишни яхши кўради. Тўғарақлардаги ўқувчи-ёшларнинг 45 нафаси кам таъминланган оила

фарзандларидир. Улар аъзолик бадалларидан тўлиқ овоз этилган. Марказимизда бюджетдан ташқари маблағ ишлаб топиш учун ҳам изланишлар олиб бормоқдамиз. Қандолатчилик тўғарақи қошида нон чеҳи фольяти йўлга қўйилди, пазандачилик тўғарақи қошида хўрандалар учун ошхона ташкил этдик. Ишлаб топилаётган маблағ хисобидан ўқитувчи ва ўқувчиларни моддий рағбатлантириб келмоқдамиз, турли тадбирлар уюштиряймиз.

Марказда амалга оширилаётган тадбиркорлик ишларини кўриб қувондик. Ж.Холмуродовнинг айтишича, келгусида барча тўғарақлар қошида ишлаб чиқаришни янги йўлга қўйиб, бир қатор янгиликлар яратиш, тумандаги маиший хизмат, транспорт ҳамда агроқисодиёт касб-хўнар коллежлари ва ҳатто маҳаллалардан ёши катталарни ҳам жалб этиш режалаштирилган.

Ўқтам МЕЙЛИЕВ

Қашқадарё вилояти

«ИМКОН»НИНГ ИБРАТЛИ ИШЛАРИ

Термиз шаҳридаги «Имкон» ногирон болалар ва уларнинг оиласини қўллаб-қувватлаш маркази имконияти чекланган шахсларга ҳаётда ўз ўринларини топишга ёрдам кўрсатиш, муштарак ҳаёт тарзини олиб боришга ўргатиш ва саломатликларини яхшилашга қўмаклашиб келмоқда.

Марказ кейинги уч йил давомида Ўзбекистон нодавлат но-тижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг гранти бўйича «Кучли оналар» лойиҳаси асосида иш олиб борди. Ушбу лойиҳа уч босқичдан иборат бўлиб, 2009 йили ва 2012 йилнинг февраль ойи давомида Термиз шаҳридаги имконияти чекланган болаларнинг оналари учун 12 кунлик семинар-тренинг ташкил этилди. Шунингдек, «Оналар мактаби»ни очиб режалаштирилган.

Ушбу лойиҳа доирасида Термиз шаҳридаги «Аму соҳили», «Дўстлик», «Жўйжанган», «Сурхон соҳили», Абдурахмон Жомий, Ибн Сино, «Юлдуз», Раъно Узоқова, Ангор туманидаги Алишер Навоий, Жарқўрган туманидаги Навоий, Янгибод маҳалла фуқаролар йиғинларида ногирон фарзанди бор оналари оилавий бизнесга ўргатишга қаратилган «Ўз бизнесингни бошла» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди. Термиз шаҳридаги ахборот технологиялари ва маиший, иқтисодиёт, банк, ижтимоий-иқтисодий касб-хўнар коллежларида ўтказилган тадбирлар ҳам ана шу мақсадга қаратилди.

«Имкон» марказида лойиҳа якунига бағишлаб «Ўз бизнесингни бошла» деб номланган давра суҳбати ўтказилди. Унда маҳалла фуқаролар йиғинлари, Термиз шаҳридаги нодавлат но-тижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, талаба-ёшлар иштирок этди. Марказ раҳбари Наргис Зиявутдинова, ногирон болалар махсус ўқув маркази етакчиси С.Зиявутдинова тўпланганларга давлат гранти доирасида амалга оширилган ишлар ва галдаги вазибалар хусусида ахборот бердилар.

Н. ТУРАЕВ

Сурхондарё вилояти



Бугунги кунда Нуробод туманида 76та мактаб, 5та мактабгача таълим муассасаси, 6та «Баркамол авлод маркази», болалар ўсмирлар спорт мактаби, Мусиқа ва санъат мактаби фаолият кўрсатиб келмоқда.

— Барча мактаблар замонавий компьютер техникаси билан таъминланган. Кимё, биология, математика, физика, тасвирий санъат, «Миллий истиқлол гоёси ва маънавий асослари», тарих, йўл ҳаракати қодалари, эстетика, информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари, экология фанларидан электрон дарсликлардан фойдаланган ҳолда машғулотлар ўтилмоқда, — деди туман ХТМФМТТЭБ мудирини ўринбосари Сирож Абдуманнопов.

Тумандаги 76та мактабда 21 минг 855 нафар ўқувчига 2353 нафар ўқитувчилар таълим-тарбия бермоқда. Мактабларда ёрдамчи хўжаликлар ташкил қилинмоқда. 37та мактабда пазандачилик, қорамол ва қўйлар боқилмоқда. Шунингдек, кўплаб мактабларда иссиқхоналар қурилиб, лимон, сабзавот экинлари ва қўкатлар етиштирилмоқда.

Суратда: тумандаги 1-мактаб ўқитувчилари, устоз-шоғирд Дилнавоз Ҳасанова ва Шаҳноза Эшназарова

Т.НОРКУЛОВ

Муаллиф олган сурат.

ШОҲ ВА ШОИР ХОТИРАСИ АБАДИЙ

Бобур музейи кўҳна ва навқирон Андижоннинг Эски шаҳар худудидаги Хожар Нойиб мадрасаси мезморий обидасида жойлашган. XIII асрда қурилган Хожар Нойиб мадрасаси Арк ичи маҳалласида бўлгани учун айрим ҳужжатларда «Арк ичи» номи билан ҳам юритилади. Мадраса шаҳарнинг ҳозиргача сақланиб қолган энг қадимги мезморий ёдгорлиги ҳисобланади. Чунки тарихдан маълумки, бобурийлар томонидан ва Бобургача қурилган шох саройи XVI аср бошларида вайрон қилинган. Улардан қолганлари эса кейинги зилзилаларга дош беролмаган. Бугун ундан қадимги қалъа деворлари ўрнига сақланиб қолган.

Бу мадрасада ёш Захриддин Муҳаммад Бобур таҳсил олган, деган фикрлар бор. Мезморий обида бетак-

рор, ўзига хос дизайн асосида бунёд этилган бўлиб, олти бурчакли ёпиқ ҳовли, 3та гўмбази хона, 27та хўжра ва нақшинкор айвонли мўъжазгина намозгоҳдан ташкил топган.

Бино асрлар давомида бир неча бор таъмирланган. Сўнгги бор 1985—1990 йилларда таъмирланиб, қайта тикланган. Мустақиллик тўғайли буюк аллома, шоир ва шох, давлат арбоби Захриддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллик юбилейи муносабати билан 1993 йил Ўзбекистонда «Бобур йили» сифатида нишонланди. Вази-лар Маҳкамасининг қарорига асосан, Боғишамолда Боғи Бобур, шаҳарнинг марказий майдонида Бобуршоҳнинг маҳобатли ҳайкали ва ушбу ёдгорлик

музейлари барпо этилди. Музейни ташкил қилиш вилоят адабиёт ва санъат музейи зиммасига юклатилди.

Музейга ташриф буюрувчилар, энг аввало, қадимий мезморий санъат асарлари — Хожар Нойиб мадрасаси билан танишишади. Бу маскан айниқса, баҳор, ёз фаслида сўлим ва гўзал манзара касб этади. Экспозиция мухлисларга Бобурнинг жаҳон маданиятидаги ўрни, қудратли теурийлар салтанатини тиклаш йўлида чеккан машаққатлари, Ҳиндистонга юриши, умуман, шох ва шоир тақдири ҳақида тўлиқ маълумот беради. Яна экспозиция давомида Бобур — шоир, Бобур — тарихчи, Бобур — табиатшунос, Бобур — қомусий би-

лимлар соҳиб эканлигининг гўвоҳи бўлиш мумкин. Бобурнинг адабий мероси — «Бобурнома», ғазал, рубоий, мухаммас, китъа каби барча жанрлардаги бетакрор шеърляри, мусиқа санъати, жанг санъати оид асарлари ҳақида маълумот олади.


Хожар Нойиб мадрасаси ва Бобур музейи маданий мерос объекти сифатида давлат муҳофазасига олинган ҳамда халқаро сайёҳлик йўналишига киритилган. Бугунги кунда мадрасани тўлиқ таъмирлаш, атрофини ободонлаштириш ва музей экспозициясини замон талаблари асосида бойитишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

О.СИДДИКОВ

Андижон вилояти

Дунёда ширинликни ёқтирмайдиган кишини учратиш қийин. Олимларнинг фикрича, шоколад ва қаҳванинг кайфиятни кўтарувчи хусусияти бор экан. Шунинг учунми, хоҳ кичиктойлар бўлсин, хоҳ катта ёшдаги одамлар шоколад тақдим этсангиз, юзидан беихтиёр табассум пайдо бўлади.

Бироқ кўпчилигимиз шоколаднинг тарихи, у қачон ва қаерда, кимлар томонидан ихтиро қилинганини билмаймиз. Шу ўринда табиий савол туғилади. Хеч ўйлаб кўрганмисиз, жаҳонда турфа хил ширинликлар турганда, нима учун айнан шоколадлар уларнинг энг машхурига айланган экан-а?



АЧЧИҚ ИЧИМЛИК — ШИРИН ЕГУЛИК

«ШИФОБАХШ» ИЧИМЛИК

Тарихий манбаларда келтирилишича, милодий йил бошидан тахминан 1500 йил илгари Мексика бўғози қирғоқларида яшовчи аҳоли (ольмек қабиласи) биринчи бор шоколад таъмини тотиб кўришган экан. Бундан ташқари, шу ерлик халқ тилида ҳозирги «какао» атамаси — «kakawa» тарзида талаффуз этилгани ҳақида ҳам маълумотлар бор.

Айниқса, шоколад майя қабиласида илоҳий ичимлик сифатида эъзозланган. Уни турли диний маросимларда истеъмол қилишган. Шу боис ҳам какао етиштириладиган илк плантацияларга майя қабиласи дехқонлари ишлов беришган. Улар ўз вақтида турли хилдаги шоколад ичимликларини тайёрлаш усулларини билишган.

Ўтмишда какао донлари бойлик ва ҳукмронлик рамзи саналган. Вақт ўтиб суюқ шоколад Европада дастлаб испан зодагонларининг, айниқса, сарой амалдорлари хонимларининг нонуштада тановул қиладиган энг севимли егулигига айланган. Иссиқ шоколад ўша пайтларда кенг тарқалган чой ва қаҳва ўрнини эгаллади. Бироқ киши танасини ярайтиб, унга хушайфият улашадиган бу қимматбаҳо ичимликнинг нархи жуда баланд эди.

«ЯНГИ ДУНЁ» МЎЪЖИЗАСИ

Ботаника китобларида келтирилишича, авваллари шоколад — «теобромна какао», яъни, «илоҳлар овқати» деб аталган. Ацтек қабиласида эса у «жаннат дарахти» номи билан тилга олинган ва энг қизиғи, какао дончалари пишган дарахт тагига одамлар тиз қўчиб, турли ниятлар қилишган.

Шоколаднинг дунёга кенг тарқалишида ҳам айнан Мексикада яшаган қадимги ацтеклар қабиласи асосий сабабчи бўлган. Қабилада

бу дарахт жаннатдан юборилган, у орқали инсон ақл ва куч топади деган гайриоддий ақидага ишонилган. Ацтекларда какао дончалари пул вазифасини ҳам ўтаган. Ҳиндулар қабиласи сардорларига тегишли оморда какао дончалари захира бойлик сифатида сақланган. Қабила сардорлари бир йилда ўртача 486 қоп какао уругини истеъмол қилишган. Ҳар бир қопда 24000 донга уруғ бўлган.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, авваллари шоколадга фақатгина ичимлик сифатида қаралган.

Майя қабиласида у «xocolatl» деб аталган. Бу икки сўзнинг ўзаги



наватчиликда туқадимги ҳиндулар тилидаги «choco» ҳам, «xocol» ҳам кўпик маъносини билдирса, «atl» эса сув деганидир (choco.org манбаси).

Шоколадни биринчи бўлиб истеъмол қилган «мехмон» — бу европалик Христопор Колумб. У 1502 йили Гайана оролига борганида аҳоли какао уругидан тайёрланган ичимликларни дастурхонга тортди. Тарихий манбаларда келтирилишича, Х.Колумб ўзининг «Янги дунё»га уюштирган тўртинчи экспедицияси сўнггида бу мўъжаз мўъжиза уругидан қирол Фердинандга ҳам совға тариқасида олиб кетди. Бироқ денгизчи ўзи билан бошқа қимматбаҳо бойликларни ҳам қиролга инъом этгани сабабли митти дончалар эътибордан четда қолади. 1520 йилга келиб, Мексика истилочиси Эрнан Кортес ҳам ундан татиб кўришга муяссар бўлади. Кортес ацтеклар заминига 1519 йили кириб келганида унга тилла идишда қаҳва дончалардан қайнатиб тайёрланган аччиқ ва ёқимли таъмга эга антиқа ичимлик беришган.

1650 йилдан шоколад инглизлар дастурхонида ҳам тансиқ таом сифатида ўрин эгаллай бошлаган. Орадан етти йил ўтиб, Лондон шаҳрида биринчи марта «Шоколадлар уйи» очилади. 1674 йили биринчи шоколад асосида рулет ва пирог тайёрланиши йўлга қўйилди. Айнан мазкур сана тарих саҳифаларига ичиладиган эмас, ейиладиган шоколад кашф этилган йил сифатида белгиланди.

1825 йили Англия ҳарбий денгиз флоти бошқа европаликларга қараганда анча кўп миқдорда какао донларини сотиб олади.

Аслини олганда, суюқ шоколад ичимлиги навбатчиликда турувчи кема экипажи аъзолари ва матрослар учун айни муддао эди. Чунки бу ичимликларнинг таркибида алкоголь йўқ бўлиб, уйқун қочирувчи ҳамда қоринни тўқ тутувчи хусусиятлари борлиги улар фаолияти самарадорлигини оширди.

XIX асрда яшаган француз дорифурушларидан бири шоколадга: «Мазкур илоҳий ичимлик ҳар қандай касалликка даво бўлувчи универсал дори воситаси», дея таъриф берган. Бу даврга келиб, шоколад ичимлик эмас, балки плитка-шоколадлар сифатида ҳам оддий халқ орасида иззат топиб улгурди. Шу боис маҳсулотнинг бозори анча чақон эди. Орадан кўп ўтмай, француз Жак Неаус ичида турли қўшимчалари бор шоколад қандни ихтиро қилди. Ҳозирги кунда турли таркибдаги, шакл, кўриниш, таъм, ҳажм жиҳатдан ҳам бир қанча хиллари мавжуд бу ширинлик ана шундай узоқ ҳамда қизиқарли тарихга эга.

КАКАО ДАРАХТИ

Шоколадни ишлаб чиқаришда асосий хомашё манбаси ҳисобланган какао да-

рахти нам ҳавода, Шимоллий ва Жанубий Америка, Австралия ҳамда Осиёнинг айрим ҳудудларида, тропик ўрмонларда ўсади. 10—15 метргача ўсадиган дарахтдан бир йилда икки марта ҳосил олиш мумкин. Асосий терим палласи октябрь-февраль, иккинчиси эса май-июнь ойларига тўғри келади. Бироқ гуркираб ўсган какао дарахти бир йилда атиги 2 килограммгача ҳосил бериши мум-

Bilasizmi?

шоколад ҳам. Тахтача шаклидаги (плитка) шоколаднинг ҳолатини сақлаб туривчи какао мойи аслида оқ рангда бўлади. Унга қуритилган сут ва шакар упаси қўшилади. Қарабсизки, оппоқ тусдаги плитка шоколад тайёр. Қорамтир тусдаги «плитка»ларни тайёрлаш учун эса қуритилган сут ўрнига какао кукун ишлатилади.

Шоколад тайёрлаш жараёнида какао навларига қараб турли масалликлардан фойдаланилади. Маълум-



кин экан. Янги терилган какао дончаларининг таъми аччиқ ва тахир, кўриниши эса оч тусда бўлади. Шунингдек, битта сархил какао дончаси таркибида 30 фоиз сув ва 30 фоиз какао мойи мавжуд.

У ҚАНДАЙ ТАЙЁРЛАНАДИ?

Шоколаднинг доимий ўрайдиган рангини яхши биласиз. Бироқ бугун турли тусдаги шоколадлар исталганча топилади, хусусан, оқ

мот ўрнида шуни айтиш керакки, оқ шоколад тайёрлаш мураккаблиги билан бошқаларидан алоҳида ажралиб туради. Унинг таркибида юқоридаги келтирилган маҳсулотлардан ташқари, шакар упаси, туз ва хушбўй ванил ҳам талаб этилади. Оппоқ плиткада какао кукун умуман бўлмайди, шунинг учун ҳам у қаймоқ рангда бўлиб, иштахани очади. Бундай шоколадларда какао мойи 40 фоизни ташкил этади.

Ҳар қандай кўри-ниш ва шаклдаги шоколадни тайёрлаш учун ишлаб чиқарувчилар қуйидаги тартибга амал қилишади:



- даставвал какао дончалари тозаланади;
- дончалардан кукун ҳосил қилинади;
- барча керакли маҳсулотлар қўшилиб, қуюқ шоколад ҳосил қилинади;
- зарур (диққатга сазовор) шаклга келтирилади;
- сўнгра маҳсулот қуритилади;
- охирида эса қадоқланади.

Шоколад истеъмол қилишни хуш кўрувчилар учун эслатма: ширинликни 3—18 даража ҳароратда ва 75 фоиз намлиқда сақлаш мақсадга мувофиқ. Уни тик қуёш нуридан асраган маъқул.

Биз бугун иштаҳа билан истеъмол қиладиган шоколад дўконлар тўридан ўрин эгаллаб, қўлимизга етиб келгунча ана шундай узоқ жараёндан ўтди. Йигирманчи асрда ўнлаб йирик замонавий шоколад ишлаб чиқарувчи технологиялар билан таъминланган фирмалар иш бошлади. Аввало, ўхшаши йўқ таъми ва ноёб хусусиятлари, қолаверса, тадбиркорларнинг тинимсиз тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориши туфайли дунё бозорида истеъмол қилинувчи тайёр маҳсулотлар орасида шоколад энг қадрли егуликлардан бирига айланган.

Шаҳина ЖҲРАЕВА

АВСТРАЛИЯ ПАЛЬМАЛАРИ «ЁШАРДИ»

Австралияда ўсадиган ноёб турдаги *Livistona mariae* ва *Livistona rigida* пальма дарахтлари яқин-яқингача қитъада 15 миллион йил илгари бўлган тропик ўрмонлар «авлодлари» ҳисобланарди. Лекин халқаро олимлар гуруҳи ўтказган изланишда уларнинг ёши «атиғи» 30 минг йил экани аниқланди, дейилади «Сайнс Нау» («ScienceNOW») манбасида.



улар қадимий тропик ўрмонлар «авлодлари» эмас, деган хулосага келишган.

Таъкидланишича, дарахтларнинг икки турга ажраши табиий кечмаган, чунки улар ўсаётган ҳудудлар ўртасидаги масофа 1000 километри ташкил этади. Худудлар ўртасида тўғридан-тўғри сув йўллари бўлмагани сабаб уруғларнинг етиб келишида уларнинг ҳам «ҳиссаси» йўқ. Батафсил таҳлилдан сўнг бўлиниш вақти ва ҳудудий жойлашувига қараб уруғлар инсонлар томонидан қитъага олиб келинган, деган фикрга келинди. Тахминларга кўра, одамлар бу ерга 40—45 минг йил илгари келиб, 20—30 минг йил олдин қитъа ичига кўча бошлашган.

СТОМАТОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ЮТУҚ

Кэмбриж университети (Буюк Британия) олимлари ютуғи стоматология соҳасида чинакам бурилиш ясаши мумкинлиги ҳақида маълум қилишмоқда. Бойси, улар инъекциялар ўрнини босувчи ва беморни тинчлантирувчи, оғриқ қолдирувчи гелни ишлаб чиқишган. «Компьюлента» манбасида бу ҳақида маълум қилинди.

Гель тиш оғриғи пайтида инклар томонидан оғриқ қолдирувчи восита сифатида қўлланган спилантес (*Asmella Oleracea*) номли ўсимлик асосида тайёрланган. Клиник синовларнинг дастлабки икки босқичи 5 йил давомида амалга оширилиб, бунда янги воситанинг самараси намойиш этилди. Эътиборлиси, жараёнда салбий таъсирлар кузатил-



кузатаётганида дуч келган. У янги махсулот ҳозир стоматологияда қўлланиладиган синтетик анестетик (оғриқ қолдирувчи дори)ларга органик нобил восита бўлиши таъкидлади. Яқинда янги гелнинг учинчи синон босқичи бошланиб, бунда турли ҳудуд аҳолиси унинг самарасини ўзида синаб кўради. Агар қутилган натижага эришилса, махсулот 2014-2015 йилларда сотува чиқарилар экан.

ШИРИН ИЧИМЛИК — ЮРАККА ДУШМАН

Ҳарвард соғлиқни сақлаш институти (АҚШ) олимлари шакар қўшилган чанқовбосди ичимликлар соғлиқ учун хавfli бўлиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантиришмоқда. Мавзуга оид мақола «ФизОрг» манбасида берилди.



Мутахассислар 22 йил давомида 40—75 ёшдаги 42 мингдан ортиқ эркаклар соғлигини кузатишган. Уларнинг ҳар бири овқатланиш тартиби ҳақидаги сўровномаларни мунтазам тўлдириб, изланиш яримида қон намуналарини таҳлил учун топширган. Яқунда маълум бўлишича, кунига 340 грамм шакар қўшилган ичимликлар истеъмол қилганларда юрак хасталиги «курбони»га айланиш хавфи бошқаларга нисбатан 20 фоизга кўпроқ экан. Эътиборлиси, бунда чекиш, спиртли ичимлик истеъмол қилиш, жисмоний ҳаракатсизлик, оилада юрак хасталиги кузатилиши каби бошқа омиллар назорат остига олинса-да, мазкур кўрсаткич ўзгармаган. Ширин ичимликларни ўртача ҳафтага икки маротаба истеъмол қилиш эса касаллик ривожланиши хавфини тўғдирмайди, дейишмоқда мутахассислар.

Наргиза РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.

маган, чунки гел асаб толалари учлари (натрий каналлари)ни ёпиб, оғриқни бартараф этади.

Таъкидланишича, оғриқни қолдирувчи табиий гелни халқаро бозорга чиқариш билан Кэмбриж университети антропологи Франсуаза Барбара-Фридман томонидан ташкил этилган «Эмпика» («Ампика») компанияси шуғулланади. Ушбу тадқиқотчи Перудаги кечуа хиндулари ҳаёт тарзини 30 йилдан ортиқ вақт мобайнида ўрганиб келади. Оғриқни қолдирувчи ўсимлик антрополог илк маротаба 1975 йили Перудаги аборигенлар ҳаётини



Германиянинг энг йирик энергия концерни «RWE» мамлакатда энергетика соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, атом электр станциялари фаолиятининг тўхтатилиши туфайли кўрган зарари бир миллиард евродан ортиқ эканини маълум қилди.

Бангладешда бортида 200 йўловчи ва меъёрдан ортиқ юки бўлган «Шариат-пур» кемага урилиб, чўкиб кетиши оқибатида 100дан ортиқ киши ҳалок бўлган.

АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида ўтадиган ва 600дан ортиқ юксак интеллектуал салоҳият эгалари иштирок этадиган мамлакатнинг анъанавий кроссвордлар ечиш танловида илк маротаба «Dr.Fill» компьютерининг ҳам қатнашиши кўзда тутилиб, мутахассислар унинг кучли ўттизталиқдан ўрин эгаллашига умид бoғлашмоқда.

Италиянинг энг йирик банкларидан бири Интеса СанПаоло (Intesa SanPaolo) банки қимматбаҳо қоғозларининг қадрсизланиши туфайли 2011 йилнинг якунарига кўра, 8,2 миллиард евро миқдорда зарар кўргани маълум қилинди.

Эфиопиянинг Гамбела провинциясида йўловчилар ташийдиган автобусга номаълум қуролланган шахслар ҳужум қилиши оқибатида 19 нафар йўловчи воқеа жойида ҳалок бўлган.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги яқка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан Иргашев Бобир Носирович номига берилган 0406183-реестр рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маъмурияти ва қасаба уюшма қўмитаси Фалсафа факультети «Педагогика» кафедраси доценти **Раҳмонжон ЁДГОРОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изор этади.

Ўзбекистон Педагогика фаилари илмий тадқиқот институти раҳбарияти ва жамоаси институт ходими Пўлатова Иқбол Анваровнага фарзанди **Пўлатов Умаржон Уткирович**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардик билдиради.

реклама * эълонлар * реклама * эълонлар * реклама * эълонлар * реклама * эълонлар

Qishloq Qurilish Bank

ҚИШЛОҚДА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ АСОСИДА ЗАМОНАВИЙ УЙ!

Уй-жой

- тасдиқланган намунавий лойиҳа асосида қурилади;
- замонавий қурилиш материалларидан фойдаланилади;
- тайёр ҳолда «калити билан» топширилади;

Кредит

- энг кам иш ҳақининг 1000 баробаригача бўлган миқдорда ажратилади;
- қишлоқ жойларида яшайдиган;
- 18 ёшга тўлган;
- даромади кредитни қайтариш учун етарли бўлган;
- уй-жой қийматининг 25%идан кам бўлмаган миқдорда дастлабки сармоёга эга бўлган;
- кредит ташкилотларидан тўлов муддати ўтган қарздорлиги бўлмаган;
- Ўзбекистон Республикаси фуқароларига берилади.

Имтиёзлар:

- кредит муддати — 15 йил;
- кредит фоизи — йиллик 7 фоиз
- кредитнинг асосий қисмини қайтариш кредит ажратилгандан 1 йилдан кейин бошланади;
- ер участкаси кимовши савдолари ўтказилмасдан,

умрбод мерос қилиб қолдириладиган мулк тарзида расмийлаштирилади.

- Кредит олувчи ва биргаликда қарз олувчининг кредит ва кредит буйича ҳисобланган фоизлар учун йўналтирган тўловлари даромад солиғига тортилмайди.

Бошқа шартлар

- Уй-жой қийматидан бошлангич бадал ва ажратилган кредит чегири ташлангандан кейин қоладиган миқдор — яъни якуний тўлов, қурилиш ишлари бошлангич, ипотека кредити ажратилган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмасдан тўланиши лозим;
- Уй-жойни «калити билан» топшириш буйича шартнома «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси билан тузилади.

Намунавий лойиҳалар асосида қишлоқ жойларда қуриладиган уй-жойлар юзасидан қуйидагиларга мурожаат қилиш мумкин:

- Туман ҳокимликларига;
- Қишлоқ (махалла) фуқаролар йиғинларига;
- «Қишлоқ қурилиш банк» филиалларига;
- «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси филиалларига.

Қишлоқ қурилиш банк — фаровон ҳаётингиз хизматида!
Ахборот маркази телефонлари: (+99871) 150-93-39, 150-39-93
e-mail: headoffice@qbb.uz www.qbb.uz

«Олтин беланчак» саҳифаси

ХАЁТНИНГ ОДОБИ

Раҳимахон ая Наманган вилоятининг Уйчи туманидаги 29-мактабда ўттиз уч йил бошланғич таълим муаллимаси сифатида фаолият юртиди. Ўнлаб болажонларнинг сеvimли «Биринчи ўқитувчиси» бўла олиш билан бирга турмуш ўртоғи — шифокор Фуломжон ака билан тотув турмуш кечириб, тўрт нафар фарзандни камолга етказди. Ўғил-қизлари бугунги кунда жамиятимизнинг турли жабҳаларида фидойилик билан меҳнат қилишмоқда. Улардан бири Рустамжон Эрматов — rassом, санъатшунослик фанлари номзоди. Аслида бир хушбабар бизни Рустамжоннинг хонадон томон бошлаб борди. Унинг ўғли — Достонбек Фуломжонов яқинда Францияда бўлиб ўтган А.Глазунов номидаги VII халқаро танловда скрипка йўналиши бўйича 1-ўринни қўлга киритишга муваффақ бўлди. 3-синф ўқувчисининг жaxon классик композиторлари асарларини маҳорат билан ижро этгани ҳакамлар хайъати аъзоларини ҳам хайратга солди. Улар томонидан Достонжондаги музикаий руҳиятни сеза олиш ҳамда ифодалай билиш кўникмаларининг устунлиги алоҳида эътироф этилди. Ўғил-қизларининг истеъдодини ниҳоятда қадрлаб, оилавий «Хавас» гуруҳининг ташкил этилишию, тўнғич ўғли Қаҳрамон, қизи Шаҳнозанин фортепиано, Достонбекнинг скрипка созларини кўнгли билан ўрганиб, республика ва халқаро миқёсдаги танловларда қатор ютуқларга эришишида ҳамisha елкадошлик қилиб келаятган бу гўзал оила — Рустамжон ва Матлубанинг файзли хонадонини «Олтин беланчак»ка тақлиф этдик. Саволларимизга Рустамжон жавоб берди.

1. Оила тутумларида ота-бобо, момо ва оналарингизда кўрган қандай аъналарни маҳкам тутасиз ҳамда қай тариқа бойитишга уринаясиз?

2. Маънавият, гўзал хулқ-атвор соҳибларининг атрофидоғилар, жамoadошлари, хусусан, сизнинг тутумларингизга таъсири хусусидаги кузатишларингиз?

3. Ўғил-қизларингизнинг ютуқлари эътиборингиздан четда қолмаслигини, уларни рақматлантириб боришни қандай таъминлайсиз?

4. Оилангиз жамиятнинг том маънода бир бўлган бўла олиши учун қандай йўл тутаясиз?

1. ... Болалигимни хотирласам, ота-онанинги биздан ростгўй бўлишни қаттиқ талаб қилгани, ҳар қандай юмушни сидқидилдан бажаришга ундагани, мактабимизда, аввало, олдимишга нима вазифа қўйилган бўлса, дастлаб шу топшириқни ниҳоясига етказишимизни қатъий назорат қилишгани кўз ўнгимда гавдаланади. Мен расм чиқишни жуда яхши кўрадим. Улар бу қизиқшимни қадрлашар, лекин «иккичидан рассом чиқмайди. Барча фанларни бирдек севиб ўргансангинга муродингга етасан» дея дарсларимни кузатишар, уй ишларини қандай бажараётганим, неча баҳо олаётганимга эътибор қаратишарди. Айти кунда учала фарзандим ҳам Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган музика академик лицейида таҳсил олишади. Қатор хорижий давлатларнинг саҳналарида ҳам ижролари билан эътирофга сазовор бўлишди. Аммо

ўргатишга бурчдорман.

3. Онажоним болалигимда чизган ҳар бир расминини (балки ҳали расм ҳам бўлмагандир) қувонч билан қўлига олиб, узундан-узқ мактардилар. Улардан уйимизнинг деворига кўрғазмалар қилиб, келиб-кетган кўни-кўшнилар, меҳмонларга кўрсатиб, фахрланарди. Бу эса мени анада руҳлантитар, қайта-қайта кўлимга мўйқалам олишимга туртки бўларди. Мен ҳам болаларим ижро этган ҳар бир кўни хурсандчилик билан қарши олиш, оилавий қувончли кунга айланттиришнинг одат тусига киритганман. Уларнинг ижроларини магнит тасмаларига ёздирман, видеотасвирларга туширттирдим. Тадбирлардаги чиқишларини оилавий кузатамиз. Дўстлар, қариндошлар даврасида



уларнинг олдига ҳам «иккичидан яхши санъаткор чиқмайди. Ҳеч бир фан иккинчи даражали саналмайди...» деган талабни қўйганмиз.

2. Мен учун санъатшунослик илмий тадқиқот институтида ишлаган йилларим катта мактаб бўлди. У ерда меҳнат қилаётган олимларнинг ўзаро муносабати, оила тутумларини кўриб ҳавас қилганман. Айнқиса, Тилаб Маҳмудов ва Дилбар Маҳмудовларнинг хонадонларида бўлганимда ҳар гал нимадир ўрганишга, қарашларимни бойитишга ҳаракат қилардим. Отамнинг Турдиали Сатторов деган ўртоқлари бўларди (Оллоҳ раҳматига олган бўлсин!). У киши уйимизга тез-тез келиб турар ва муомалаларидаги самимият, мулоҳазаларидаги ҳар қандай муаммага ечим топа олишдек тейранликдан руҳланардим. Отам мени ана шундай кўпни кўрган кишиларнинг давраларига олиб кирар, суҳбатларига ошно этарди. Энди ўйлаб кўрсам, мен улардан ҳаёт одобини ҳижжалаб ўрганган эканман. Ва бу илмни фарзандларимга

улар ижросида куйлар тинглаймиш, олқишлаймиш.

4. Одамзод дунёга келиб ўздан яхши ном қолдириши, жамиятга нафи тегадиган ишлар қилиши керак. Оила кўрдингизми, энди фарзандларингизни ҳам ана шу бурчдорлик ҳисси билан вояга етказмоғингиз керак. Турмуш ўртоғим Матлубахон психолог. Айти кунда кичкинтойимиз Робияхоннинг тарбияси билан машғул. У билан севишиб оила деган муқаддас кўрғонни бунёд этдик. Фарзандларимиз — муҳаббатимизнинг мевалари. Ҳўш, нега энди уларнинг келажига бефарқ қарашимиз керак? Ахир уларнинг ҳар бири қоқилиши бизнинг айбимиз, ҳар бир утуғи меҳнатимиз самараси эмасми? Уларнинг униб-ўсиши учун давлатимиз қанча жон куйдирапти? Буни уларга ҳарлаҳза англатиб туришимиз, юрт ва унинг аҳли тақдирини бир-бири билан чамбарчас боғлиқ экани, Ватаниннг гуллаб-яшнаши учун қилаётган ҳаракатимиз ўзимизнинг эртанги фаровонлигимизни таъмин этишимни уқтира билмоғимиз шарт!

Jo natilmagan maktublar



Ҳаёт чархпалаги тинимсиз айланаверади. Елиб-югуриб балки ўтиб бораётган кунларимиздан нимадир «олиб» қолишга улгурамиз ёки йўқ, Лекин елдек учиб ўтаётган лаҳзалар хотираларимизда шундай чизгилар қолдирадими, кун келиб ана шу дамларни эслаб кўнглимиз ёришади. Қалбимизни нурга тўлдирган меҳр аталмиш чўғ ана шу оташдан яралган бўлса, ажабмас.

Болалигимни эсласам, отам раҳматлик, мактабга илк бор етаклаб боргани кўз ўнгимда жонланаверади. Ҳамон ёдимда: мактаб ҳовлисида биринчи синфга қабул қилинганлар турнақатор бўлиб тизилганмиз. Юракларимизни ҳаяжону хайратга тўлдириб биринчи кўнгрёк жаранглади. Муаллимиз бизни етаклаб синфхона томон бошлади. Эшикка етганда ортимга бурилиб қарадим: кўпчилик тарқалиб кетган, лекин отагиним кўзларини мен томондан узмайин, меҳр билан термулиб турарди. Ҳўш, у киши деярли ҳар кун кундалигимни варақларди. Талабалек олис шаҳар томон бошлади. Бир олам ташвишларидан ортиб соддадил отам Тошкентга тез-тез қатнар, ҳар гал факультетимиз деканидан тортиб гуруҳимиз раҳбарига учраб ўқишларим, юриш-туришим, яшаш шароитим, дўстларим хусусида суҳбатлашиб кетарди... Айриллар «Отам билан ўртамишда нимадир бордек» дейишса, ўйлаб қоламан, нега одамзод ўзи дунёга келтириб, камолга етказган фарзандларидан руҳан узокда яшайди. Нима учун волидан муҳтарам ва падарин бузуқвор томон баъзи ўғил-қизлар тоза бир меҳр-муҳаббат билан эмас, қандайдир ўткинчи, арзимас моддий манфаатлар бос талпинади. Уларнинг кўнглидаги яширин, ҳатто баъзида ошқора бундайн таъмининг ўзи гуноҳ эмасмикин ва бу айбни улар қандай юва олмақлари мумкин? Умуман, ота-онани нимадирнинг илжинида севок, шу йўсин уларнинг дилига озор бермоқчи бадалани тўлаб бўлармикан? Шулар хусусида ўйлаганимда ана Урингул момом ёдимга тушаверади. Кизик, тоғни урса талкон қилгудек тоғаларим, амакиларим ҳамisha қўли ишда, ҳеч бўлмаса қалава йигириб ўтирадиган муштдеккина момомнинг хонасига баъзида хомушгина кириб келишар, соатлаб суҳбатларини олгач, хушнуд чиқиб кетишарди.

ТАЪМИНОТЧИ ЭМАС,
ОТА БЎЛ!

Учинчи хат

... Киш кунларининг бири эди. Момом иккимиз иссиққина сандалда ўтириб пилладан тайёрланган оппоқ ипакни қалавалардик (момогинам ҳар йили ипак қурти парваришлар, пилла йиғиштириб олинган шувуқлар орасида қолиб кетган пилларани йиғиштириб олиб ип тайёрлар ва ишлов бериб, ҳаммамизга жамалак қилиб берарди). Тоғамнинг тушкун кайфиятда кириб келиши эртаннинг «белига телгани» алам қилса-да, бир четда ишимни давом эттираведим. Тоғамнинг гап-сўзлари мағзини ўша маҳали чақа олмагандиму, энди ўйлаб кўрсам, у болаларининг ўздан бегоналашиб бораётгани, фақат нимадир керак бўлсагина пинжига киришларидан қаттиқ изтиробга тушганди.

— Ҳаммасига ўзинг айбдорсан, — деди бувим ҳар доим гудек босиқ овозда тоғамнинг кўзларига термулганча. — Мен сенга аввал ҳам айтганман. Иш — иш, оила — оила. Бирининг ўрнини иккинчиси билан тўлдириб бўлмайди. Биламан, масъулиятли вазифадасан. Лекин, кўлинг бўшади, дегунча дўстларинг билан чойхонага югурасан, ҳали туғилган кун, ҳали меҳмондорчилик... Бозорни ҳам хайдовчинга топширгансан. Болаларингга кийим-кечак керак бўлса, келин югуради. Мактабда мажлиси бўлса ҳам у балоғардон. Оғри-са докторга олиб борадиган, дардига қулоқ тутадиган ҳам у! Сен кимсан ўзи, фақат таъ-

минотчи! Ўғлинг қайси спорт тури билан шуғулланаётганини ҳам билмасанг керак. У кунни биринчиликин олганида, ҳамкасбларингдан бири гул кўтариб борибди. Шу ҳам иш бўлдим?

Тўғри, орқангдан бирор ёмон сўз эшитмадим, раҳмат. Аммо отамисан, оталигингни қил-да. Халқимизда «Ота бўлиш осон, оталик қилиш қийин» деган гап бор. Қизларинг эрта-индин «пир» этиб учуади, кетади. Ҳозир меҳрингга тўйдир. У кунни катта қизинг бир лағмон чўзибдики, бориб қолдим. «Дадам ҳам еса қани эди» дея илиниб ўтирибди боқкиш. Сен бўлсанг, ўша кеч ҳам немаҳал, ошқоронингда сувдан бошқа нарсага жой қолдирмай кириб келдинг. Болаганиннинг қозони очилмай қолиб кетди. Қачон қарамай ёки шошиб, ёки ўлгудай толиққаниннгдан сўнг уйингга келасан. Ахир оилани бундай ҳовлиқмалик билан бошқариб бўлмайди-да. Айбга иккорлик яхши. Эртага бугунги имкониятингни ҳам бой бермай, ўзингни йиғиштириб ол. Билиб қўй, пул, мол-дунё билан топиб бўлмайдиган нарсалар жуда кўп!..

Шу суҳбатдан сўнг кўп ўтмай тоғамни болалар билан бозорда кўриб қолдим. Аввалига кўзларимга ишонмадим. У киши қизларининг бошига бир у, бир бу дўппини кийдириб кўрар, келиноним эса бир четдан киприқларни намланганча томоша қилиб турарди.

ИШОНЧ ВА ҚАНОТ

Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан «Туркистон» саройида бўлиб ўтган тантанали йиғилишда фан, таълим, маданият, адабиёт ва спорт каби йўналишларда улкан ютуқларга эришиб, барчага ибрат бўлаётган истеъдодли қизларга Зулфия номидagi давлат мукофоти тантанали равишда топширилганидан хабардорсиз. Фаргона вилояти Кува туманидаги 58-умумий ўрта таълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Камола Раҳмонова ҳам ана шундай юксак мукофотга сазовор бўлди.

Фаргона шаҳридаги Бадий гимнастика марказида спортдаги ютуқлари билан танилиб улгурган К.Раҳмонова ҳамда вилоят ёшлари ўртасида учрашув ташкил этилди.

Тадбирда Фаргона вилоят ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раис М.Хўжаева иштирок этиб, спортчи қизга эзгу тилаклар билдирди.

— Бугун юртимизда ёшларни соғлом ва баркамол этиб вояга етказиш, истеъодларини юзага чиқариш, жамиятда ўз ўринларига эга бўлиши учун шароит яратиш устувор мақсадлардан бири ҳисобланмоқда, — деди М.Хўжаева.

— Шу жиҳатдан, истеъдодли қизларимизнинг доимий рағбатлантириб борилаётгани эътиборлидир. Бу йил Зулфия номидagi давлат мукофоти учун ўтказилган танловнинг вилоят босқичида 69 номзод иштирок этди. Шулардан 7 нафари республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Спортни ҳаётининг мазмунига айлантирган, бадий гимнастика бўйича халқаро миқёсдаги баҳсларда ўз имкониятларини тўла намойиш қилган Камола давлатимиз томонидан муносив тақдирланди. Ишонимизки, келажақда яна кўплаб истеъдодли қизларимиз ҳам ана шундай эъти-

рофга сазовор бўлади. К.Раҳмонова бадий гимнастика билан 6 ёшидан шуғулланиб келади. У 2006—2010 йиллар мобайнида 14 мартаба республика чемпионатида голибликни қўлга киритган. 2011 йили эса Германиянинг Майн шаҳрида ўтказилган 3та



халқаро турнир голиби бўлган. Тиришқоқ ва интилувчан қизнинг бундай юксак натижаларни қўлга киритишида устози Озодахон Пулатованинг хизматлари беқиёс.

Учрашувда сўз олган Камола Раҳмонова ўзига

билдирилган ишончдан беҳад мамнун эканини айтиди. Тадбир давомида Камола ҳамда унинг устозларига вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари топширилди.

Фаргона шаҳридаги мусиқа мактаблари ўқувчиларининг бадий кўргазмали чиқишлари ҳамда қувалик спортчи қизлар томонидан на-

мойиш этилган машқ сахналари тадбир қатнашчиларига хуш кайфият бағишлади.

Баҳождиржон ШОКИРОВ,
«Ma'rifat» мухбири
Шамсиддин ҚОРАБОЕВ
олган сурат.



КУТИЛМАГАН ЖУФТЛИК ПАР

Швейцариянинг Ньон шаҳрида Европа Чемпионлар лигасининг бир йўла чорак ва ярим финал ўйинларига қўрға ташланди. Унда одатдагидек кутилмаган қарама-қаршиликлар қайд этилди.

Қўйидаги жамоалар энди чорак финалда ўзаро курашади: Аполон — «Реал Мадрид», «Марсель» — «Бавария», «Бенфика» — «Челси», «Милан» — «Барселона».

1/4 финалнинг дастлабки учрашувлари 27 ва 28 март кунлари ўтказилса, жавоб учрашувлари 3 ва 4 апрель кунини диққатимиз марказида бўлади.

Шунингдек, ярим финалда «Бенфика» ва «Челси» баҳси голиби «Милан» ва «Барселона» матчи голибига қарши, Аполон ва «Реал Мадрид» ўртасидаги ўзаро учрашув голиби эса «Марсель» ва «Бавария» баҳси голиби билан финал йўлланмаси учун курашни давом эттиради. Ярим финал учрашувлари 17-18 апрель, жавоб ўйинлари 24 ва 25 апрелда ўтказилади.

ФИНАЛГАЧА БИР ОДИМ

Океан ортида давом этаётган WTA (Аёллар теннис ассоциацияси) таснифидagi Индиан-Уэллс турнирининг чорак финал учрашувлари натижасига қўра, таниқли теннисчи Мария Шарапова рақибни Мария Кириленко устидан зафар қучди.



Турнирнинг ATP Masters таснифига кирувчи эркаклар ўртасидаги биринчиликнинг чорак финал учрашувларида америкалик Жон Изнер франциялик Жиль Симонга қарши қоттага тушиб, 6:3, 1:6, 7:5 ҳисобида устулжюга эришди.

Дунёнинг биринчи ракетчиси сербиялик Новак Жокочин турнирнинг чорак финалида испаниялик Николас Альмагро устидан галаба (6:3, 6:4) қозониб, ярим финал йўлланмасини қўлга киритди. Жокочин ярим финалда энди Изнерга қарши қоттага чиқади.

Эсликчи ўтамиз, турнирнинг ютуқ жамғармаси 4,7 миллион долларни ташкил этади.

МУНОСИБ РАҚИБ ТОПИЛДИ

Мексикалик боксчи Хуан Мануэл Маркес навбатдаги жанги учун ўзига муносив рақиб бўла оладиган боксчи номини маълум қилди. 14 апрель кунини Мехико шаҳрида ўтказилиши режалаштирилаётган жангда у украинлик Сергей Федченкоки синовага қорламоқчи.

Аслида Х.Маркес аргентиналик Сесар Куэжо билан рингта чиқиши керак эди, бироқ Сесар кутилмаганда жангни рад этди, деб хабар берди «BoxingScene.com» интернет нашри.

10 апрелда 31 ёшни қаршилайдиган С.Федченко профессионал фаолияти давомиди жами 31та жанг ўтказиб, 30тасида галаба қозонган (13та нокаут). Бундан ташқари, у WBO таснифидagi 63,5 килограмм вазн тоифасида Европа чемпиони саналади.

38 ёшли Маркес эса ўзи ўтказган жами 60та жангдан 53тасини галаба билан (39та нокаут) якунлаб, 1тасида дуранг натижага эришган. Вазнидан қатъи назар, ҳозир ҳам у дунёнинг энг кучли боксчиларидан биридир.

Ш. НАРЗУЛЛАЕВА тайёрлади.



СОҒЛОМ АЁЛ — СОҒЛОМ ЖАМИЯТ



«Соғлом аёл — соғлом жамият» шиори остида вазириликлар, ташкилотлар, корхона ва идораларнинг аёл ходимлари ўртасида аънанавий равишда ўтказиб келинаётган спорт мусобақалари шу жиҳатдан аҳамиятлидир. Жумладан, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Қасаба уюшмалари федерацияси марказий кенгаши, Миллий Олимпия қўмитаси ва «Тасвирий ойна» уюшмаси ҳомийлигида ташкил этилган навбатдаги беллашув давлат идораларида ишловчи аёлларда катта таассурот қолдиргани аниқ.

«Соғлом аёл — соғлом жамият» мусобақалари аёлларни соғлом ҳаёт кечиршига ўргатиш, оналар саломатлигини мустаҳкамлаш, хотин-қизларни спорт учун оз бўлсада, вақт ажратишга ундаш каби мақсадларни ўз олдига қўйган. Зеро, аёл ўз саломатлигини асрашга одатланиши лозим.

Тадбирда Маданият ва спорт ишлари, Мудофаа, Молия, Олий ва ўрта махсус таълим, Фавқулодда вазиятлар, Адлия, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар, Таъши ишлар, Меҳнат ва аҳолини иқтимой ҳимоя қилиш вазирликлари ҳамда «Узархив» агентлиги вакиллари иштирок этди.

Волейбол, бадминтон, стол тенниси, стритбол, аркон тортиш бўйича мусобақаларга 200 нафардан ортиқ аёл жалб қилинди.

— Мен ушбу спорт мусобақала-

рида икки йилдан буён иштирок этаман ва айтишим мумкинки, кескин ҳамда муросасиз баҳслар спортга бўлган муносабатимни бутунлай ўзгартирди, — дейди Матлуба Асқархўжаева, кино-фотосурат олиш архиви бўлими мудири, жамоа сардори. — Мусобақаларда иштирок этиш ва голиб бўлиш учун ҳам бир неча кун давомида тайёргарлик қўриш, жисмоний машқлар бажариш талаб этилади. Шу тариха биз спортнинг аҳамиятини англаймиз. Бундан ташқари, спорт беллашувлари кундалик ташвишларни унутишга, бир жамоа бўлиб, галаба учун курашишга ўргатади.

Мусобақанинг очилишида жамоалар мусиқали чиқишлар орқали ўзларини таништиришди. Кейин навбат стритбол мусобақаларига берилди. Волейбол баҳсларида фаоллик кўрсатган Молия вазирлиги газначилиги бош иқтисодчиси Гулбаҳор Юсуфалихўжаева қўйидаги фикрларини билдирди:

— Биз ишларимизни асосан компьютер орқали амалга оширамиз. Спорт билан шуғулланиб, ишдан чалғиш фойдадан холи бўлмайди. Зеро, спорт фақат жисмонан эмас, балки руҳан соғлом бўлишга ҳам ёрдам беради.

Маъмура Юнусова Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси етакчи-мутахассиси:

— Аёллар ишдан ташқари, спорт учун ҳам вақт ажратишлари керак. Бу каби тадбирларнинг ўтказилишидан мақсад ҳам шу.

Корхона ишчилари, уй бекалари ўртасида ҳар йили спорт мусобақалари ташкил этилади. Бунинг амалдаги натижаси ўлароқ, аёллар спортга эътибор кучайди. Хотин-қизлар қўмитаси олиб бораётган ишлар самараси ўлароқ, бугун спорт билан шуғулланувчи аёл ва қизлар сони 1,5 миллиондан ошди. Спортга жалб этилган уй бекалари сони эса 600 минг 822 нафарга етиб, 25,4 фоизни ташкил этмоқда.

Мусобақаларни тажрибали спорт мураббийлари кузатиб, баҳолаб боришди. Корхонадаги рақбар, ишчи-ҳодимлар беллашувлар чоғида чинакам спортчилардек шижоат кўрсатишди. Шуниси аҳамиятлики, ҳар бир мусобақада ўйин қоидаларининг бузилмаслигига қатъий эътибор берилди. Арқон тортиш бўйича мусобақаларда Адлия вазирлиги аёл ходимлари биринчиликни қўлга киритишди. Иккинчи ўриндан Мудофаа, учинчи ўриндан Фавқулодда вазиятлар вазирлиги вакиллари ҳоли олди. Стритбол бўйича баҳсларнинг якуний натижаларига қўра, 1-ўрин Адлия, 2-ўрин Мудофаа ва 3-ўрин Соғлиқни сақлаш вазирлигига берилди. Стол теннисидо Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги биринчи, Мудофаа вазирлиги иккинчи ва Адлия вазирлиги ҳаваскор спортчилари учинчи ўринларни эгаллашди.

Висола ҚАРШИБОВЕВА,
«Ma'rifat» мухбири

Хурматли Дилмурод ЯНГИБОЕВ!
Сизни таваллуд топган кунингиз, кутлуг 46 ёшингиз билан самимий муборакбод этамиз. Сизни кўп йиллардан буён рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси ҳамда таълим-тарбия соҳасининг чинакам фидойиси сифатида мактабдаги ҳамкасбларингиз, яқинларингиз жуда яхши билади.

Сизга шундай шарафли меҳнат жабҳасида яна кўп йиллар самарали фаолият кўрсатиш, соғ-саломат бўлиб шогирдларингиз, фарзандларингиз ва невараларингиз камолини кўриб юриш насиб этсин.

Хурмат билан Чирокчи туманидаги 13-мактаб жамоаси ҳамда фарзандларингиз.

Китоб – қалб гавҳари, кўнгил зийнати



НАШРИЁТ-МАТБАА МАРКАЗИ

“Янги аср авлоди”

ҲАМЮРТЛАРИМИЗНИ НАВРЎЗ АЙЁМИ БИЛАН ТАБРИКЛАЙДИ.
КИТОБГА ОШИНО ҚАЛБЛАРИНГИЗНИ БАҲОРИЙ КАЙФИЯТ, ШОДЛИК
ҲЕЧ ҚАЧОН ТАРК ЭТМАСИН!

Мустаҳкам оила йилида тухфа этаётган ушбу китобларимиз Сиз, азизларга
манзур бўлади, деган умиддамиз. Айёмингиз муборак! Баҳор, яшариш кайфияти,
байрам шукуҳи ҳаминша ҳамроҳингиз бўлсин, ватандошлар!

Наширётимизнинг 2012 йилги янги китоблар
каталогини Сиз, азиз китобхонларимизга тақдим этамиз.



Мурожаат учун манзил: 100113, Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.Телефон: (+99871) 273-56-45, 128-78-43
web-сайтими: www.yangiasr.uz интернет-дўкон: www.yangidavr.uz e-mail: info@yangiasr.uz

Ma'rifat

**ТА'СИС
ЕТУВЧИЛАР:**
O'zbekiston Xalq ta'limi
vazirligi, O'zbekiston Oliy
va o'rta maxsus ta'lim
vazirligi, O'zbekiston
Ta'lim, fan va
madaniyat xodimlari
kasaba uyushmasi
Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin
ARIPJANOV, Jumanazar BEK-
NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV,
Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib),
Mahmuda MURZAYEVA, Husan
NISHONOV (bosh muharrir
o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh
muharrir o'rinbosari, “Учитель Уз-
бекистана”), Aleksey CHUKARIN
(mas'ul kotib, “Учитель Узбекиста-
на”), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida № 0067 raqam bilan
ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



9 772010 641009

INDEKS: 149, 150. Г-318.
Tiraji 56133.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish
tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.
Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqrib
qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy
o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-
53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi
yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat,
kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-
54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari
bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport
yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing
bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar:
Malohat TOSHOVA,
Liliya BINASHEVA.
Navbatchi muharrir:
Oybuvi OCHILOVA.
Navbatchi: Sherali NAMOZOV.

«Sharq» nashriyot-matbaa
aksionerlik kompaniyasi
bosmaxonasi.

Korxonaning manzili:
«Buyuk Taron» ko'chasi, 41-uy

Ushbu ijtimoiy — 00.15
Topshirildi — 02.15